



БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТ ХОТИРАСИГА ЮКСАК ЭҲТИРОМ

Президент Шавкат Мирзиёев 30 январь куни Тошкент шаҳрида Ислом Каримов ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.



Тарихий хотира — миллат келажагининг мустақкам пойдевори. Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида шаклланиши, давлатчилик асосларининг барпо этилишида Биринчи Президент Ислом

Каримовнинг хизматлари бекиёс экани чуқур ҳурмат ва эътироф билан ёдга олинади.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ташаббуси ва эътибори билан Биринчи

Президентнинг хотираси абадийлаштирилди, Самарқандда унинг мақбараси барпо этилди. Ислом Каримов таваллуд топган 30 январь санасини нишонлаш эзу аънамага айланди.



Маросим давомида Қуръон тиловат қилиниб, дуо ўқилди. Биринчи Президентнинг Ватан манфаатлари йўлидаги фаолияти, инсоний фазилатлари ёдга олинди. Ислом Каримов номидаги илмий-маъ-

рифий ёдгорлик мажмуасида бўлиб ўтган маросимда Олий Мажлис палаталари, Президент Администрацияси ва ҳукумат вакиллари, илм-фан ва маданият намояндалари, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Шунингдек, Биринчи Президентнинг Самарқанд ва Қарши шаҳарларидаги ҳайкаллари пойига ҳам гуллар қўйилиб, хотирасига эҳтиром кўрсатилди.

ЎЗА

“ЎЗБЕКНЕФТГАЗ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ КЕЛГУСИДАГИ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев “Ўзбекнефтогаз” акциядорлик жамияти фаолияти самарадорлигини ошириш масалалари юзасидан тақдирот билан танишди.

Мамлакатимизда энергетика хавфсизлигини мустақкамлаш, энергия ресурслари, жумладан, табиий газга бўлган ички талабни барқарор қондириш ҳамда иқтисодиёт тармоқларини узлуксиз таъминлаш бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, иқтисодиёт ва аҳолининг табиий газга бўлган эҳтиёжи ортиб бораётгани янги заҳираларни аниқлаш, мавжуд қонлар самарадорлигини ошириш ва янгиликларини ишга туширишни тақозо этмоқда.

Шу муносабат билан “Ўзбекнефтогаз” акциядорлик жамиятининг олдига соҳада натижадорликни тубдан ошириш ва замонавий ёндашувларни жорий этиш вазифалари қўйилган.

Қайд этилганидек, 2025 йилда жамият қорхоналари томонидан 25,2 миллиард куб метр табиий газ қазиб чиқарилиб, 56 та янги қудуқ бурғиланди, 29 та қудуқ мукамал таъмирланди.

2026-2027 йилларда табиий газ чиқариш ҳажмини барқарор даражада таъминлаш, 300 дан ортиқ геологик-техник чора-тадбирларни амалга ошириш режалаштирилган.

Тақдиротда бунинг учун амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар тўғрисида ахборот берилди.

Жумладан, геология-қидирув ва геологик-техник тадбирлар самарадорлигини ошириш, заҳираларни кўпайтириш ва қазиб чиқариш ҳажмларининг барқарорлигини таъминлаш, харидлар тартиб-таомилларини тақомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Шунингдек, газни чуқур қайта ишлаш орқали қўшилган қиймат занжирини яратиш, импорт ўрнини босувчи экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш, жамият ва унинг қорхоналарини молиявий соғломлаштириш чоралари кўрилади.

Компания фаолиятида операцион самарадорликни ошириш, хусусан, соҳага онд бўлмаган активларни тасарруфдан чиқариш, ҳомийлик тўловларини тўхтатиш ҳамда харажатларини мақбуллаштириш орқали молиявий барқарорликни таъминлашга устувор аҳамият қаратилиши қайд этилди.

Ишлаб чиқариш жараёнларини рақамлаштириш, соҳада сунъий интеллект технологияларини кенг жорий этиш, шунингдек, ички назорат ва комплекс тизимини кучайтириш, молиявий активлар ҳаракатини назорат қилиш, коррупция ва манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш масалалари жамият

фаолиятининг муҳим устувор йўналишлари сифатида белгиланди.

Давлатимиз раҳбари мазкур вазифалар ва режалаштирилган барча тадбирлар ижросини аниқ ҳисоб-китоб, қатъий интизом ҳамда шахсий жавобгарлик асосида таъминлаш юзасидан мутасаддиларга топшириқлар берди.

Тақдиротда геология-қидирув ишларини олиб бориш жараёнида, шу жумладан, Сурхондарё вилоятида қайд этилган техноген ҳолатларга ҳам тўхталиб ўтилди. Бундай ҳолатлар янги истиқболли майдонларни излаш, қудуқларни чуқур бурғилаш ва геологик қатламларни ўрганиш жараёнларининг табиий таркибий қисми бўлиб, улар дунё амалиётида ҳам кўп учраб туради. Юртимизда бундай вазиятларда тегишли чоралар кўриб борилаётгани таъкидланди.

Президентимиз мутасаддиларга геологик тадқиқотлар олиб борилаётган ҳудудларда доимий мониторинг кучайтириш, замонавий назорат технологияларини жорий этиш ҳамда аҳоли хавфсизлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш юзасидан кўрсатмалар берди.

ЎЗА

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ЛОЙИҲАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев Жиззах вилоятида амалга оширилаётган ислохотлар натижадорлиги ва келгусидаги устувор вазифалар юзасидан йиғилиш ўтказди.

Ўтган йилларда олиб борилган ислохотлар ва тизимли чора-тадбирлар натижасида вилоят иқтисодиётида таркибий трансформация юз берди. Натижада ҳудуд аграр соҳадан диверсификацияланган саноат, хизматлар ва замонавий агрокластерларга ихтисослашди. Тўқимачилик, қурилиш материаллари, автомобилсозлик, электротехника ва туризм каби янги ўсиш драйверлари шаклланди.

Ялпи ҳудудий маҳсулотда саноат улуши 9,1 фоиздан 18,8 фоизга ошди, қишлоқ хўжалигининг улуши 50 фоиздан 36 фоизга қайтарилди. Шунингдек, ишсизлик ва камбағаллик тегишлича 4,9 ва 5,8 фоизга қайтарилди, экспорт 1,8 баробар, хизмат кўрсатиш 1,6, саноат ишлаб чиқариши ҳажми 1,9 баробар кўпайди.

25 та йирки ҳамда 533 та ўрта ва кичик инвестиция лойиҳалари ишга туширилди, 1,4 миллиард доллар хорижий инвестиция ўзлаштирилди. Экспортчи қорхоналар сони 160 тага етиб, экспорт ҳажми 285 миллион долларни ташкил қилди.

Йиғилишда вилоятда камбағаллик ва ишсизликни янада қисқартириш, саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалигида кескин ўсишга эришиш бўйича режалар кўриб чиқилди.

Хусусан, 2026-2027 йилларда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиш суръатларини 8,5 фоизга етказиш, саноатда ишлаб чиқариш ҳажмини 8 фоизга ошириш, 5 миллиард доллар хорижий инвестиция жалб қилиш ва йиллик экспорт ҳажмини 500 миллион долларга етказиш режалаштирилган.

Эътиборлиси, ўтган йилларда инвестициялар асосан хомашё қазиб олиш ёки оддий йиғув ишлаб чиқаришга йўналтирилган бўлса, эндиликда юқори қўшилган қийматга эга саноат лойиҳаларига йўналтирилади.

Бундан ташқари, жорий йилда вилоятда ишсизлик даражасини 3 фоизга, камбағалликни 2,8 фоизга тушириш, 182 та маҳаллани жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантириш кўзда тутилган.

▶ Давоми 2-бетда

ТОШКЕНТ ВА АНҚАРАНИНГ МУСТАҲКАМ АЛОҚАЛАРИ

ТУРКИЙ ДУНЁ МАНФААТЛАРИ МУШТАРАКЛИГИНИНГ ЯҚҚОЛ ИФОДАСИДИР

Хорижий экспертлар олий даражадаги Ўзбекистон — Туркия саммити якунлари ҳақида

Ўзбекистон Президентининг 29 январь куни Туркияга расмий ташрифи икки томонлама муносабатлар ривожига муҳим босқич бўлди ва ўзига хос стратегик хусусиятни яққол намоён этди.

Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон ва Туркия Стратегик ҳамкорлик олий кенгаши тўртинчи йиғилишида ҳамда вайронкор зилзиладан сўнг Ўзбекистон томонидан Ҳатай вилоятида барпо этилган турар жой икки мамлакат ўртасидаги сиёсий мулоқот юксак даражага чиққани, халқларимизнинг ўзаро ҳамжиҳатлигини кўрсатди.

Халқаро экспертлар Ўзбекистон — Туркия муносабатларига мустақкам қардошлиқ ришталари, узок муддатли манфаатлар муштараклиги ва умумий тарихий-маданий ўзига хосликка асосланган



барқарор стратегик шериклик сифатида қарамоқда. Уларнинг баҳолашича, Тошкент ва Анқара ҳамкорлиги туркий дунёда алоҳида ўрин тутди, минтақавий барқарорликни мустақкамлаш, давлатлараро ҳамкорликни кенгайтириш ва Евроосиё маконида ўзаро муносабатларнинг янги архитектурасини шакллантиришга хизмат қилади.

▶ Давоми 2-бетда



Янги Ўзбекистон руҳи

ДУНЁГА ОЧИҚЛИК, ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК ВА ДЎСТОНА МУЛОҚОТ

Сўнгги йилларда Ўзбекистон минтақа ва жаҳонда тинчлик ҳамда барқарорликни мустақкамлашга қаратилган очиқлик, ҳамкорлик ва фаровонлик йўлидан дадил бормоқда. Мамлакат ташқи сиёсати ўзаро ҳурмат, тенг ҳуқуқлилик ва манфаатли шериклик тамойилларига асосланиб, ҳар томонлама ривожланишга интилишни ўзида акс эттирмоқда.

Президентимиз шу йил 22 январь куни Давос шаҳрида ўтказилган халқаро мулоқот доирасида Тинчлик кенгаши ташаббусини қўллаб-қувватлагани мамлакатимизнинг тинчликпарвар ва очиқ ташқи сиёсатининг мантиқий давоми бўлди. Зеро, бугун жаҳонда рўй бераётган мураккаб геосиёсий вазият, турли минтақалардаги қуроли тўқнашувлар тинчлик нақадар улугъ неъматлигини, уни кўз қорачигидай асраш инсониятнинг муқаддас бурчи эканини яққол намоён этмоқда.

Янги Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати нафақат халқимиз, балки бутун дунё аҳлига тинчлик ва равақ келтирадиган инсонпарвар тамойилларга асослангани билан аҳамиятлидир. Сўнгги йилларда бу йўналишда халқаро миқёсда бўлиб ўтган нуфузли анжуманларда мамлакатимиз адолатли дунё

тартиботини шакллантириш, тинчлик ва барқарорликка эришиш борасида муҳим ташаббус ва ғояларини илгари сурмоқда. Ана шундай очиқ, прагматик, пухта ўйланган ва ташаббускор ташқи сиёсат натижасида Ўзбекистон глобал тинчлик ва дипломатия марказларидан бирига айланмоқда.

Президентимиз раислигида шу йил 15 январь куни Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда хориждаги дипломатик ваколатхоналар фаолияти масалаларига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида қайд этилганидек, 2017 йилдан бундан хорижий давлатларда 16 та янги дипломатик ва консуллик ваколатхонаси очилиб, уларнинг сони 60 тага, дипломатик алоқа ўрнатилган давлатлар сони эса 165 тага етди.

▶ Давоми 3-бетда



ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ЛОЙИХАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Бошланиши 1-бетда

Давлатимиз раҳбари бу мақсадларга вилоятдаги маҳаллаларни чуқур ихтисослаштирмасдан эришиб бўлмаслигини қайд этди.

Шу муносабат билан вилоятда келгуси икки йилда янги модель ривожлантирилади. Худуддаги 304 та маҳалланинг солиштирма устуңликлари таҳлил қилиниб, уларнинг боғдорчилик, чорвачилик, сабзавот ва полизчилик, саноат, сервис ҳамда туризм йўналишларига ихтисослашувини чуқурлаштириш дастури ишлаб чиқилди.

Дастур доирасида 5 минг гектар эски боғ ва тоқзорларда сертифициланган кўчатлар екиш, 4,6 минг гектар саноатлашган плантациялар барпо этиш, 10 минг гектар аҳоли томорқаси ва ижара ер майдонларида хосилдорлиги юқори ва экспортбоп маҳсулотлар етиштириш, 101 минг бош чорва молларининг наслини янгилаш, 5 та саноат микромарказлари, 6 та йирик туризм мажмуаларини ташкил этиш, ҳар бир туман марказида истироҳат боғларини барпо қилиш ва гавжум кўчалар ташкил этиш каби ишлар амалга оширилади.

Йилгилишда “драйвер” лойиҳалар инфратузилмасини мустаҳкамлаш учун жорий йилда 200 миллиард сўм ажратилиши белгиланди. Саноатни ривожлантириш мақсадида 2026-2027 йилларда умумий қиймати 2,7 миллиард долларлик йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилади. Бунда вилоятдаги кўроғшин-рух, вольфрам, олтин ва бошқа норуда конлардан самарали фойдаланиш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Зомин туманида қишлоқ ҳўжалиги илмий-саноат парк лойиҳасининг тақдимида мак-жаҳўхорини қайта ишлаб, юқори фруқтозали сироп ва аллолоза ишлаб чиқариш қўватларини яратиб режалаштирилгани айтилди.

Шунингдек, қишлоқ ҳўжалиги йўналишида насли чорва молларини харид қилиш, тузич-ликини ривожлантириш, “Жайилма” канални реконструкция қилиш чоралари кўрилади.

Давлатимиз раҳбари вилоятни ривожлантиришда тоғли ва чўл худудларининг салоҳиятини алоҳида ёндашувлар асосида рўёбга чиқариш

зарурилигини таъкидлади. Жумладан, жорий йилда 25 минг гектар лалми ва яйлов ерларини фойдаланишга киритиш ва яйловлардан самарали фойдаланиш бўйича уч йиллик дастур ишлаб чиқиш режалаштирилган.

Йилгилишда Жиззах вилоятининг туризм салоҳияти ҳам таҳлил қилинди. Айдар — Арнасой кўллар тизими, шунингдек, Бахмал, Фор-риш, Зафаробод, Шароф Рашидов ва Ғаллаорол туманларининг имкониятлари тўлиқ ишга солинмаётгани қайд этилди.

Шу муносабат билан ушбу туманларда туризм мажмуаларини ташкил этиш, Арнасой аэропортини кенгайтириш, халқаро автомобиль йўллари бўйида савдо-сервис мажмуаларини қуриш режалари кўриб чиқилди.

Жорий йилда маҳаллаларда ижтимоий объектлар, йўллар, ичимлик сув, канализация ва электр тармоқлари қурилиши учун 30 миллион доллар маблағ ажратилади. Бунинг ҳисобига 14 маҳалладаги ижтимоий соҳа объектлари, олис 28 та маҳаллани боғловчи 105 километр йўллар, 9 та маҳалла аҳолиси учун 50 километр ичимлик сув, электр тармоқлари, 13 та маҳаллада 65 километр оқова сув тармоқлари қурилади ва таъмирланади.

Шаҳарсозлик йўналишида Бахмал, Зафаробод ва Ғаллаорол туманларини фазовий режалаштириш ва бош режаларини ишлаб чиқиш кўзда тутилган.

Шунингдек, Жиззах шаҳри ва Шароф Рашидов тумани ягона агломерация худуди сифатида ривожлантирилади. Бу бўйича ишлаб чиқилган бош режада шаҳар ичидagi тирбандликларни камайтириш мақсадида 10 километрлик айланма йўл қуриш, шаҳар ва тумани боғлайдиган ягона жамоат транспорт тизимини йўлга қўйиш, ягона маъмурий бино қуриш орқали ташкилотларни бир жойга кўчириш назарда тутилди.

Йилгилиш якунида мутасаддиларга вилоятни янада ривожлантириш доирасидаги ҳар бир лойиҳани аҳоли бандлиги ҳамда турмуш даражасини ошириш билан боғлаб бажариш бўйича топириқлар берилди.

Давлатларимиз раҳбарлари ўртасидаги ишонч, ҳурмат ва самимиятга асосланган муносабатлар таълим, илм-фан ва тиббиёт соҳаларидаги ҳамкорликни юқори даражага олиб чиқишга ҳам хизмат қилмоқда.

Нуктаи назар



КЕНГ ҚАМРОВЛИ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРГАН ДИПЛОМАТИК МУНОСАБАТЛАР

Ўзбек ва турк халқларини азалий дўстлик, биродарлик ва қардошлик ришталари ўзаро боғлаб туради. Икки халқ асрлар давомида туркий цивилизация доирасида шаклланган. Бу омил ҳозирги давлатлараро алоқалар ривожиди муҳим ўрин тутди. Айни ҳавзада гуллаб-йашнаган бу қардошлик руҳи бугун икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг энт мустаҳкам пойдеворини ташкил этади.



Нарғиза САЛОМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты

Туркия Ўзбекистон мустақиллигини биринчи бўлиб тан олган давлатлардан. Икки мамлакат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан буён иқтисодий, маданий соҳаларда ҳамкорлик изчил ривожланмоқда. Айниқса, сўнгги йилларда Ўзбекистон — Туркия дўстлик ва кенг қамровли стратегик шериклик муносабатлари сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди.

Иқтисодий муносабатлар ҳам жадал суръатда ривожланмоқда. Туркия Ўзбекистоннинг йирик савдо-иқтисодий шерикларидан бири, икки мамлакат ўртасида саноат, тўқимачилик, қурилиш, энергетика, қишлоқ ҳўжалиги ва туризм соҳаларида қўшма корхоналар фаолият юритмоқда. Турк сармояси Ўзбекистон иқтисодиётига фаол жалб этилиб, янги иш ўринлари очилишга хизмат қилмоқда.

Маданий-гуманитар соҳадаги алоқалар ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Таълим, фан, маданият ва санъат йўналишларида қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Икки томонлама манфаатли ҳамкор-ликнинг янги истиқболлари очилиб, товар айирбошлаш ва инвестицияларни кўрсатишни ортмоқда. Хусусан, биргина ўтган йили ўзаро савдо ҳажми 3 миллиард доллардан, қўшма корхоналар сони эса 2200 тадан ошди. Ўзлаштирилган инвестицияларнинг умумий қиймати қарийб 10 миллиард долларни ташкил этди.

Шунингдек, икки мамлакат ўртасида ҳафтаига 100 га яқин авиақатнов амалга оширилмоқда. Бу, ўз навбатида, йўловчиларга қулайлик яратиш билан бирга катта иқтисодий самара ҳам бермоқда: тадбир-

корлар ўртасидаги алоқалар осонлашмоқда, кўргазма ва музокараларда иштирок этиш имконияти кенгаймоқда, қўшма лойиҳалар кўллаб-қувватланиши таъминланмоқда.

Ўзбекистон — Туркия ҳамкорлигининг эътиборли жиҳати шундаки, турк бизнеси мамлакатга сармоя билан бирга бошқарув тажрибаси, технология ва ишлаб чиқариш маданиятини олиб кирмоқда. Ўз навбатида, Туркия учун Ўзбекистон бозори ўсиб бораётган ички талабга эга жадал ривожланаётган иқтисодий сифатида жозибалидир. Манфаатларнинг бундай тузилиши муносабатларнинг узоқ муддатли, бир-бирини тўлдирувчи хусусиятга эга эканини кўрсатади.

Давлатларимиз ўртасида нафақат икки томонлама муносабатлар фаол ривожланмоқда, балки парламентлараро мулоқот ҳам анча фаоллашди. Зеро, бу ҳамкорлик парламент дипломатиясининг мавқени юксалтиришга хизмат қилади. Ҳозир Олий Мажлиснинг Туркия Республикаси Буюк миллат мажлиси билан ҳамкорлик бўйича парламентлараро дўстлик гуруҳи фаолият юритмоқда.

Давлатларимиз раҳбарлари ўртасидаги ишонч, ҳурмат ва самимиятга асосланган муносабатлар таълим, илм-фан ва тиббиёт соҳаларидаги ҳамкорликни юқори даражага олиб чиқишга ҳам хизмат қилмоқда. Бинобарин, икки давлат раҳбарлари ўртасидаги бу аҳиллик ўзаро муносабатларнинг стратегик шериклик асосида ривожланишига имкон бери.

Охириги тўққиз йилда икки томонлама ҳамкорлик сезиларли даражада фаоллашди. Чунки Ўзбекистон ва Туркия етакчиларининг сиёсий иродаси ва узоқни кўзлаган оқилона сиёсати натижасида ўтган даврда муносабатларимиз янги босқичга чиқди. Айниқса, мамлакатимизнинг очиқ ва прагматик ташқи сиёсати икки томонлама ҳамкорликни янада юқори даражага кўтарди.

Президентимизнинг Туркия Республикасига расмий ташрифи икки давлат ўртасидаги ҳамкорликни янги даражага олиб чиқишда муҳим босқич бўлиш билан бирга барча соҳалардаги ҳамкорликни янада чуқурлаштиришга замин яратди. Бинобарин, ушбу ташриф сўнгги йилларда икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар чуқурлашиб бораётганининг яққол тасдиғидир.

Айниқса, Анқара шаҳрида бўлиб ўтган олий даражадаги Стратегик ҳамкорлик кенгашининг тўртинчи йиғилиши, шубҳасиз, икки томонлама муносабатларни янада чуқурлаштиришга қаратилган муҳим дипломатик тадбир бўлди. Зеро, ушбу формат тизимли сиёсий мулоқот ва қатор йўналишлар бўйича биргаликдаги саяё-ҳаракатларни мувофиқлаштириш имконини беради.

Давлатларимиз раҳбарлари ушбу йиғилишда кўп томонлама стратегик масалаларни муҳокама қилди. Йиғилиш якунлари бўйича имзоланган қўшма баёнот ҳамда Кенг қамровли стратегик шериклик доирасидаги ҳамкорлик механизмлари тўғрисидаги қарор, шунингдек, кўп қиррали шерикликнинг турли йўналишларини қамраб олувчи икки томонлама ҳужжатлар тўплами Ўзбекистон — Туркия муносабатлари янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Уч йил олдин юз берган вайронкор зилзила қардош турк халқи учун огир синов бўлганди. Шу боис, Ўзбекистон ушбу фожеали даврнинг дастлабки кунлариданоқ Туркияга ҳар томонлама ёрдам қўрсатди. Қисқа муддатда ўзбекистонлик 100 нафар кутқарувчи ва 70 нафар тиббиёт ходими фалокат содир бўлган худудга етиб борди. Қидирув-қутқарув ишлари натижасида 18 киши қутқарилди, жабрланган 200 га яқин фуқаро вайроналар остидан чиқарилди. Дала шифохонасида 4000 беморга тиббий ёрдам қўрсатилди.


Мамлакатимиз қисқа муддатда Ҳатай вилоятининг Арсуз туманида 24 та кўп қаватли уйдан иборат барча зарур инфратузилмага эга замонавий турар жой

мажмуасини барпо этди. Ушбу мажмуа нафақат жабрланган оилалар учун янги уй, балки ўзбек ва турк халқлари ўртасидаги абадий дўстликнинг ёрқин намунаси бўлди.

Ташриф доирасида давлатимиз раҳбари ва Туркия Республикаси Президенти Ҳатай вилоятда мамлакатимиз томонидан барпо этилган “Ўзбекистон” турар жой мажмуасининг очилиш маросимида ҳам қатнашиб, янги хонадонлар капиталарини эгаларига татаналани топишди.

Президентларнинг Истанбулнинг Бекиркёй туманида ўзбек мактаби қурилишини бошлаб бергани ташрифнинг яна бир эътиборли воқеаси бўлди. Бу даргоҳ ўзбекистоннинг хориждаги биринчи таълим муассасаси бўлиб, у Туркияда яшовчи ўзбек оилаларининг фарзандларига ўз она тилида таълим олиш билан бирга миллий қадриятлар, маданият ва аъналарини сақлаб қолтиш имконини ҳам беради.

Умуман олганда, сўнгги тўққиз йилда ўзбек-турк алоқаларида мазмунан юз йилликларга татигулик ўзаришлар яшаш учун мустаҳкам тамал тоши қўйилди. Мазкур ташриф икки давлат муносабатларини юқори даражага олиб чиқиш билан бирга Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги муносабатларни сифат ва мазмун жиҳатидан бойитган ҳолда ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада юқори босқичга кўтарди.



УШБУ МАҚОЛАНИ
ҚОРАҚАЛҚОҚ ТИЛИДА
ҲАМ ЎҚИШ УЧУН
QR-КОДИНИ СКАНПЕ
ҚИЛИНГ!



ТОШКЕНТ ВА АНҚАРАНИНГ МУСТАҲКАМ АЛОҚАЛАРИ

ТУРКИЙ ДУНЁ МАНФААТЛАРИ МУШТАРАКЛИГИНИНГ ЯҚҚОЛ ИФОДАСИДИР

Бошланиши 1-бетда

Антонио АЛОНСО,
Сан-Пабло СЕУ университети
профессори (Испания):

— Испаниядан халқаро муносабатлар ва минтақавий ривожланиш жараёналарига ихтисослашган профессор сифатида Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги олий даражадаги Стратегик ҳамкорлик кенгашининг тўртинчи йиғилиши якунларига алоҳида эътибор билан қарадим.

Авалло, Президент Шавкат Мирзиёевнинг шахсий сиёсий қарашлари ва изчил етакчилиги мамлакат ташқи сиёсатининг тубдан ўзгаришида ҳал қилувчи омилга айланганини алоҳида таъкидлаш зарур деб ҳисоблайман. Унинг раҳбарлигида Ўзбекистон нафақат асосий ҳамкорлар билан икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлади, балки масъулиятли, ташаббускор ва

стратегик фикрлайдиган давлат сифатидаги нуфузини ҳам шакллантирди. Айнан Президент Шавкат Мирзиёевнинг фаол ва чуқур ўйланган дипломатияси тудайли Ўзбекистон — Туркия муносабатлари нисбатан қисқа тарихий даврда аниқ иқтисодий, гуманитар ва институционал мазмун билан тўлдирилган кенг қамровли стратегик шериклик даражасига кўтарилди. Савдо, инвестициялар ва саноат кооперацияси соҳасида эришилган кўрсаткичлар унинг халқаро ҳамкорлик натижадорлиги ва амалий самарасини оширишга қаратилганининг бевоусита ифодасидир.

Президент Шавкат Мирзиёев нафақат шериклигининг иқтисодий параметрларига, балки инсон капитали, таълим, фан ва маданиятни ривожлантиришга ҳам принципал аҳамият қаратаётгани айниқса эътиборлидир. Бухорода Ректорлар форумини ўтказиш, академик алмашинувларни



кенгайтириш ва худудлараро алоқаларни мустаҳкамлаш бўйича ташаббуслар барқарор ривожланишининг узоқ муддатли асосларини чуқур англашдан далolat беради. Европа академик ҳамжамияти вакили сифатида мен ҳам Ўзбекистон

Президентининг эришилган келишувларни институционаллаштириш — “йўл хариталари”, ҳукуматлараро механизмлар ва дастурий ёндашув орқали ифодааланган бошқарув услубини юқори баҳолайман.



Умуман олганда, Стратегик ҳамкорлик кенгаши йиғилишининг якунлари Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистон Евроосиё маконидagi жадал ривожланаётган ва очиқ шериклардан бирига айланганини яққол тасдиқлайди.

Иляс ГУЖЛЮ,
“MÜSIAD Hessen e.V.”
тадбиркорлар уюшмаси раиси
ўринбосари (Германия):

— Ушбу ташриф дипломатия воқеадан кўра муҳимроқдир. У икки туркий халқнинг вақт синовидан ўтган ва амалда ўз тасдиқини топан чинакам дўстлиги ва ҳамжиҳатлигининг рамзидир. 2023 йил февраль ойида Ҳатай ва Газинтеп вилоятларида юз берган зилзила минглаб уйларни вайрон қилиб, кўп-лаб инсонларнинг қурбон бўлишига олиб келгани Туркия учун жиддий синов бўлди. Ана шундай синовли давларда Ўзбекистон том маънодаги қардош халқ сифатида ўзини кўрсатди: кутқарув ва тиббиёт бригадалари юборилди, озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармон ва энг зарур буюмлар олиб келинди, жабрланган оилалар учун Арсуз туманида турар жой мажмуаси барпо этилди. Ушбу саяё-ҳаракатлар мамлакатлар ўртасидаги стратегик шериклик сўз ва декларациялар билан чекланиб қолмаслигини, у аниқ ишлар ва инсоний қўллаб-қувватлаш билан ўлчанишини яққол кўрсатади.

Кўп йиллардан буён Ўзбекистон — Туркия муносабатлари ишонч, ўзаро англашув, барқарорлик ва фаровонликка умумий интилиш руҳида ривожланиб келмоқда. Дипломатик алоқалар, Стратегик ҳамкорлик кенгашининг ташкил этилиши ва унинг олий даражадаги мунтазам йиғилишлари мустаҳкам институционал пойдевор яратмоқда. Ўзбекистон Президентининг Туркияга беш бор ташрифи ва Туркия раҳбарининг жавоб ташрифлари ўзаро ҳамкорлигининг юксак даражасини ҳамда икки мамлакат иқтисодиёт ва транспортдан тортиб, фан ва маданиятгача бўлган барча

муҳим йўналишларда саяё-ҳаракатларни мувофиқлаштиришга тайёрлигини тасдиқлайди.

Иқтисодий ҳамкорлик ҳам муносабатларнинг барқарорлиги ва амалий аҳамиятини кўрсатади. Имзоланган Имтиёзли савдо тўғрисидаги битим бизнес ва инвестициялар учун янги имкониятлар очди, транспорт йўлакларини ривожлантириш, фаол авиақатновлар ва инфратузилма лойиҳалари мамлакатлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамламоқда. Маданий-гуманитар йўналиш ҳам муҳим аҳамиятга эга: умумий тарих, тил ва аъналар, атоқли фан ва маданият арбобларига эҳтиром ишонч ва ўзаро ҳурмат муҳитини яратди, бу эса жамият даражасидаги муносабатларни мустаҳкамлайди.

Шундай қилиб, Президент Шавкат Мирзиёевнинг Туркияга ташрифи нафақат дипломатик қадам, балки инсонпарварлик масъулияти, қардошларча ҳамжиҳатлик ва стратегик шериклик рамзидир.

У Ўзбекистон ва Туркия огир давларда бир-бирини қўллаб-қувватлашга, келажакни биргаликда қуришга, туркий халқларининг ишончи, муштарак қадриятлари ва маънавий яқинлигига асосланган алоқаларни мустаҳкамлашга тайёр эканини тасдиқлайди. Ушбу ташриф икки мамлакат ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик вақт синовидан ўтаётгани, одамларга реал фойда келтирадиган аниқ, сезиларли ҳаракатларда намоён бўлаётганининг ёрқин далилидир.

олади. Ўзбекистон мустақил туркий давлатлар орасида давлатчилик аъналарини теран бўлган мамлакатлардан бири бўлиб, тафаккури ва иродаси юксак эканини яққол намоён этди.

Биринчи Ренессанс даври, шунингдек, Амир Темур замонидан то ҳозирги кунгача сақланиб қолган давлатчилик аъналарини доирасида биз Шавкат Мирзиёевнинг Президентлигини ниҳоятда қадри деб баҳолаймиз.

Анқара ва Тошкент ўртасидаги биродарлик нафақат савдо алоқалари, балки чуқур тарихий ва маданий алоқалар билан ҳам боғлиқ эканини жуда яхши тушунамиз.

Туркий давлатлар сифатида, хусусан, Ўзбекистон ва Туркия ниҳоятда бой ва кучли тарихий меросга эга. Бу бирлик нафақат туркий дунё, балки бутун инсоният учун зарур. Биз қадриятларимизни инсониятнинг умиди ва ишончи сифатида кўрсатиш иродасини намоён этишимиз керак.



Баҳор ХИДИРОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бошланиши 1-бетда

Умуман олганда, мамлакатимиз ташқи сиёсатида 2025 йил кўп жиҳатдан натижадор йил сифатида муҳрланди. Хусусан, ўтган йили 26 та давлатга oliй даражадаги ташрифлар амалга оширилди, янги тарихимизда илк бор қатор мамлакатлар раҳбарлари Ўзбекистонга ташриф буюрди. “Марказий Осиё плюс” форматидagi кўп томонлама мулоқотлар сермахсул бўлди. Сўнгги йилларда 11 давлат билан стратегик шериклик муносабатлари ўрнатилиб, уларнинг умумий сони 19 тага етди. Қозоғистон, Озарбайжон ва Тожикистон билан иттифоқчилик муносабатлари йўлга қўйилди.

Бугун дунёда геосиёсий кескинлик ошиб, кучли давлатлар ўртасида ўзаро рақобат кучайиб бораётган мураккаб шароитда бундай муҳим ютуқларни асраш ва кўпайтириш, юртимизда тинчлик ва тараққиётни таъминлаш зимманидаги масъулиятни янада оширмоқда. Шу боис, “хавфсиз ва тинчликпарвар давлат” тамойилига асосланган ташқи сиёсатни изчил давом эттириш, бу борада мақсад, вазифа ва кўрсаткичларни аниқ белгилаб олиб, фаолият йўналишларини шакллантириш кўзланган марраларга эришишда пухта замин яратади.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис ва халқимизга Мурожаатномасида бу борадаги мақсад ва вазифалар хусусида тўхталиб, жаҳонда мураккаб геосиёсий ва иқтисодий муаммолар тобора авж олиб бораётган бугунги мураккаб вазиятда барча давлат билан тенг ҳуқуқли ва конструктив муносабатларни янада мустаҳкамлаш, вазмин ва оқилона очиқ ташқи сиёсат юритиш мамлакатимиз фаолиятининг асосий йўналиши бўлиб қолганини таъкидлади. Бу жараёнда, энг аввало, яқин қўшниларимиз билан кўп асрлик дўстлик, яхши қўшничилик, стратегик шериклик ва ўзаро ишонч руҳидаги алоқаларни янада ривожлантиришга устувор аҳамият қаратилади. Шу билан бирга, асосий хорижий шериклар билан кўп қиррали ва ўзаро манфаатли алоқалар кўлами янада кенгайтирилади.

Ортимизнинг келгуси беш йиллик тараққиётга дахлдор муҳим ҳужжат — янги тахрирдаги “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида бу борада устувор вазифалар белгиланди. Хусусан, стратегияда янги Ўзбекистон ташқи сиёсатини халқ ва давлатнинг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда изчил амалга ошириш бораида кенг қамровли чора-тадбирлар кўзда тутилган. Бу жараёнда консуллик хизматларини такомиллаштириш, Ўзбекистон фуқаролари учун визасиз кириш мумкин бўлган мамлакатлар сонини кўпайтириш кабилар мақсад қилинган.

Ташқи ишлар вазирлиги тегишли ташкилот ва идоралар билан ҳамкорликда бу йўналишда кенг қамровли ишларни бажармоқда. Вазирлик маълумотига кўра, дунёда кечаётган геосиёсий ўзгаришлардан келиб чиққан ҳолда мақсадларни аниқ белгилаб, амалий ишларни тизимли асосда ташкил этишга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Ўзбекистоннинг сўнгги йилларда дунёга кенг очилиши юртимизга келаётган сайёҳлар сонини ошириш бораберида, юртдошларимизнинг чет мамлакатларга иш, ўқиш, сафар ва бошқа мақсадда боришини кўпайтирди. Табиийки, хорижа борган юртдошларимизнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, ўзга юртларда оғир вазиятга тушиб қолганда ёки ҳуқуқий ва амалий кўмакка эҳтиёж сезганида уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда чет мамлакатлардаги элчихоналарнинг ўрни яққол намоеён бўлади. Бу жараёнда давлатимиз фуқароларининг консуллик ҳуқуқий хизматларидан эркинроқ фойдаланиши учун зарур шароит яратиш мақсадида хизмат турларини кўпайтириш ва электрон хизматларини йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эга. Консуллик хизматларини кўрсатувчи мобил

“Минтақавий ва глобал вазият доимий таҳлил қилиниб, бу чора-тадбирларнинг барчаси, аввало, халқимиз билан бамаслаҳат кўрилатир. Зеро, бугунги синовли даврда халқ ва давлат бирлиги манфаатли, оқилона қарорлар қабул қилиш, шу асосда келажак авлодларга тинч, барқарор ва обод Ватан мерос қолдиришдек эзгу мақсадлар рўёбига хизмат қилади.

платформа ишлаб чиқиш ва рақамлаштириш борасида белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида бажарилиши бу борада катта қулайлик яратади.

Яна бир йўналиш, юртдошларимиз визасиз кириши мумкин бўлган мамлакатлар сонини 50 тага, соддалаштирилган тартибда кириш мумкин бўлган давлатлар сонини 60 тага етказиш чора-тадбирлари ҳам дунё бўйлаб давлатимиз фуқароларининг сафари ва саёҳати географиясини кенгайтиришда ғоят муҳим.

Бирлашиб юксалаётган минтақа

Мамлакатимиз ташқи сиёсатининг муҳим йўналиши Марказий Осиё интеграциясини чуқурлаштиришдир. Президентимизнинг қатъий сиёсий иродаси билан қардош давлатлар ўртасидаги дўстона алоқалар янги босқичга кўтарилиб, дунё сиёсатида “Марказий Осиё руҳи” деган ибора пайдо бўлди.

Минтақавий ҳамкорлик борасидаги ишлар натижасида бир пайтлар бизни ажратиб турган чегара масалалари узил-кесил ҳал этилди. Илгари кескин келишмовчилик ва зиддиятларга сабаб бўлган сув-энергетика соҳасида ҳам принципиал ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Буларнинг барчаси ишонч, ўзаро манфаатдорлик ва умумий ресурсларга адолатли ёндашувга асосланган янги ҳамкорлик руҳини шакллантирмоқда. Бундай лойиҳалар аҳолининг иқтисодий фаоллигини қўллаб-қувватлаш ва минтақанинг энергетика хавфсизлигини мустаҳкамлаш учун янги имкониятлар очмоқда.



Шу билан бирга, чегара тартиб-таомиллари ва гуманитар алоқалар соҳасида жиддий ўзгаришлар рўй бермоқда. 2023 йил сентябрдан бошлаб Ўзбекистон ва Қирғизистон фуқаролари ID карта асосида чегарадан ўтаётгани одамларнинг эркин ҳаракатланиши йўлидаги муҳим қадам бўлди. Қозоғистон ва Тожикистон билан ҳам шундай келишувлар ишлаб чиқилмоқда. Худудлар ўртасидаги алоқалар кенгаймоқда, чегараголдиди ҳудуддаги савдо ҳажми ошмоқда, гуманитар ва маданий алоқалар мустаҳкамланмоқда.

Давлатларимизнинг биргаликдаги саёй-ҳаракати билан минтақада янги иқтисодий воқеали шаклланимоқда. Сўнгги йилларда мамлакатларимизнинг ялли ички маҳсулотини қарийб икки ярим баробар ўсди. Минтақа мамлакатлари ўртасидаги ўзаро савдо ҳажми ҳам 2 қарра ошди, ўзаро инвестициялар эса 5,6 баробарга етди.

Саноатда Марказий Осиё барқарор равишда йилга 6 фоиз атрофидаги ўсишни намойиш этмоқда. Бу жаҳондаги ўртача ўсиш суръатидан икки қарра юқори. Гуманитар соҳада ҳам кейинги йилларда алоқалар мустаҳкамланмоқда. Энг муҳими, қардош халқларимиз ҳозирги барча ижобий ўзгаришларни ўз кундалик ҳаётида ҳис этмоқда. Янги ўтказиш пунктлари очилгани, авиақатновлар, темир йўл ва автобус йўналишлари йўлга қўйилгани ўзаро бордин-келдиларини бир неча бор ошириш, маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтириш имконини берди. Яқин-яқингача орзу бўлиб туолган эркин ҳаракатланиш, ўзаро ҳурмат, яқинлик ва ишонч туйғуси бугун амалдаги ҳақиқатга айланмоқда.



Энди бу алоқалар янада кенгайтирилиб, Марказий Осиёда Инвестиция ва савдо учун яхлит ҳудуд концепцияси илгари сурилмоқда. Барча саёй-ҳаракатлар бирлаштирилиб, минтақани тинчлик ва тараққиёт маконига айлантириш эзгу мақсад этиб белгиланган. Янги тахрирдаги “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгиланган тегишли чора-тадбирлар бундай эзгу ниятларни рўёбга чиқаришда муҳим қадам бўлиши табиий. Ҳужжатга мурофиқ, Марказий Осиёда амалий ҳамкорлиқни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш борасида устувор вазифалар белгиланган. Хусусан, минтақа давлатлари билан ўзаро

экспорт ва инвестиция ҳажмини ошириш борасида қатъий қадамлар қўйилмоқда. Бу йўналишда икки ва кўп томонлама тадбирлар доирасида 2025 йилда умумий қиймати 160 миллиард долларлик инвестиция лойиҳалари ва савдо шартномалари бўйича битимлар имзоланди. Тарихда илк бор ташқи савдо айланмаси 80 миллиард доллардан ошиб, экспорт қиймати 33,5 миллиард долларга етди, хорижий инвестициялар ҳажми эса 43 миллиард доллардан ортди. Ўтган йили 75 давлатга экспорт ҳажми қарийб 4,5 миллиард долларга кўпайди.

Энди бу ишлар кўламини кенгайтириш, мамлакатимизда хорижий сармоядорларга янада қулай муҳит яратиш учун маҳаллий компаниялар билан бир хил шароитларни кафолатловчи “миллий режим” жорий қилиш чоралари қўйилди. Давлат органлари билан муносабатни қиришишда “ягона дарча” тамойили амалиётга таъбиқ этилиши белгиланди.

Инвестиция фаолиятини ортиқча текширувлардан кафолатли ҳимоялаш тизимни яратилди. Булар орқали 2030 йилга бориб Ўзбекистоннинг кредит рейтингини инвестиция даражасига олиб чиқиш мақсад қилинган.

Мамлакатимизга инвестиция жалб қилишда чет давлатларда фаолият юритаётган элчиларнинг ҳам алоҳида ўрни бор. Давлатимиз раҳбари 15 январдаги видеоселектор йиғилишида таъкидлаганидек, “Ҳозирги шароитда элчи дегани фақат сиёсий мулоқот юритувчи шахс эмас. Элчи инвестиция ва технология олиб келадиган, янги экспорт бозорларини очадиган, транспорт-логистика йўлакларини ишга соладиган, туристлар оқимини кўпайтириб, қонуний меҳнат миграцияси учун шароит яратадиган, энг асосийси, фуқароларимиз ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган давлат вакилидир”.

Шу боис, йиғилишда элчилар учун улар фаолият юритаётган давлатлардан экспорт тушуми, сайёҳлар оқими ҳамда ушбу мамлакатларга қонуний меҳнат миграцияси — самарадорлик мезони бўлиши қайд этилди. Иқтисодий дипломатияни кучайтириш орқали экспорт ва инвестиция ҳажмини ошириш зарурлиги таъкидланди.

Инвестициялар учун катта имкониятлар мамлакатини

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, инвестиция фақат молиявий манба эмас. У технология, билим, малакали кадрлар, халқаро ишлаб чиқариш занжирига қўшилиш, яъни ҳақиқий тараққиёт демакдир. Аммо бутун жаҳон иқтисодиётида капитал учун кураш ҳар қачонгидан ҳам кучайган бир шароитда иқтисодиётга инвестиция жалб этиш машаққатли жараёнга айланмоқда. Бу борада иқтисодий дипломатия имкониятларидан самарали фойдаланиш, қолаверса, инвесторлар учун қулай шароит яратиш ва имтиёзлар тақдим этиш, жамиятда очкичлик, шаффофлик, қонун устуворлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, инвестициялар фақат иқтисодий тараққиётнинг эмас, балки тинчлик ва барқарорликнинг ҳам муҳим кафолатидир. Шу боис, “Янги Ўзбекистон — инвестициялар учун катта имкониятлар мамлакатини” деган тамойилни қарор топтириш мақсадида барча чоралар қўриллапти. Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш йўлида фаол ишланипти. Иқтисодий дипломатияни кучайтириш орқали

экспорт ва инвестиция ҳажмини ошириш борасида қатъий қадамлар қўйилмоқда. Бу йўналишда икки ва кўп томонлама тадбирлар доирасида 2025 йилда умумий қиймати 160 миллиард долларлик инвестиция лойиҳалари ва савдо шартномалари бўйича битимлар имзоланди. Тарихда илк бор ташқи савдо айланмаси 80 миллиард доллардан ошиб, экспорт қиймати 33,5 миллиард долларга етди, хорижий инвестициялар ҳажми эса 43 миллиард доллардан ортди. Ўтган йили 75 давлатга экспорт ҳажми қарийб 4,5 миллиард долларга кўпайди.

Энди бу ишлар кўламини кенгайтириш, мамлакатимизда хорижий сармоядорларга янада қулай муҳит яратиш учун маҳаллий компаниялар билан бир хил шароитларни кафолатловчи “миллий режим” жорий қилиш чоралари қўйилди. Давлат органлари билан муносабатни қиришишда “ягона дарча” тамойили амалиётга таъбиқ этилиши белгиланди.

Инвестиция фаолиятини ортиқча текширувлардан кафолатли ҳимоялаш тизимни яратилди. Булар орқали 2030 йилга бориб Ўзбекистоннинг кредит рейтингини инвестиция даражасига олиб чиқиш мақсад қилинган.

Мамлакатимизга инвестиция жалб қилишда чет давлатларда фаолият юритаётган элчиларнинг ҳам алоҳида ўрни бор. Давлатимиз раҳбари 15 январдаги видеоселектор йиғилишида таъкидлаганидек, “Ҳозирги шароитда элчи дегани фақат сиёсий мулоқот юритувчи шахс эмас. Элчи инвестиция ва технология олиб келадиган, янги экспорт бозорларини очадиган, транспорт-логистика йўлакларини ишга соладиган, туристлар оқимини кўпайтириб, қонуний меҳнат миграцияси учун шароит яратадиган, энг асосийси, фуқароларимиз ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган давлат вакилидир”.

Шу боис, йиғилишда элчилар учун улар фаолият юритаётган давлатлардан экспорт тушуми, сайёҳлар оқими ҳамда ушбу мамлакатларга қонуний меҳнат миграцияси — самарадорлик мезони бўлиши қайд этилди. Иқтисодий дипломатияни кучайтириш орқали экспорт ва инвестиция ҳажмини ошириш зарурлиги таъкидланди.

Миллатлараро тотувлик ва бирдамлик

“Хавфсиз ва тинчликпарвар давлат” деганда фақат ташқи сиёсатдаги натижаларгина эмас, мамлакат ичидаги тинчлик-осойишталик, бағрикенглик муҳити нечоғлиқ таъминлангани ҳам муҳим мезон. 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари истикомат қилувчи мамлакатимиз учун бу жиҳатлар барқарорликнинг муҳим кафолатидир. Шу боис, янги тахрирдаги Конституциямизда Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истикомат қилувчи миллат ва элатларнинг тили, урф-одати ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлаш, уларнинг ривожланиши учун шароит яратиши мустаҳкамлаб қўйилгани бундай эзгу қадриятлар давомиёлигида муҳим ҳуқуқий асос бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан жамият ҳаётининг барча жабҳасидаги кенг қўламли ислохотлар жараёнида миллатлараро ва конфессиялараро муносабатлар йўналишида ҳам туб ўзгаришлар амалга ошириллапти. Чунки бу юртда кўп миллатлилик шунчаки рақам эмас, балки мамлакатимизнинг стратегик бойлиги сифатида кўрилади.

Шу маънода, Президентимизнинг 2025 йил 19 мартдаги “Умуммиллий тотувлик ва хориждаги ватандошлар билан алоқаларни мустаҳкамлашни янги босқичга олиб чиқишга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Миллатлараро муносабатлар ва хориждаги ватандошлар масалалари бўйича қўмитаси фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу йўналишдаги ишларни сифат жиҳатдан бутунлай янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилмоқда.

Ҳозир юртимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат, 16 та диний конфессия вакиллари бағрикенглик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик тамойиллари асосида яшаб келмоқда. Давлатимиз раҳбарининг инсонпарварлик ва адолатпарварлик тамойиллари асосидаги сиёсати натижасида юртимизда умуммиллий бирдамлик янада чуқур илдиэ отмоқда. Барчамиз учун азиз ва мўътабар бўлган Ватанимиз инсон қадри ва бахти улуғланадиган тинчлик, дўстлик ва меҳр-оқибат диёрига айланмоқда. Бу хайрли ишлар бардавом бўлиши халқимизнинг эзгу ниятидир. Шу маънода, тамокилла-шаётган “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида давлат ва жамият тараққиётини юксалтиришга йўналтирилган муҳим мақсад ва вазифалар қаторида юртимизда миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлаш, хориждаги ватандошлар билан алоқаларни янги босқичга олиб чиқишга қаратилган қатор чора-тадбирлар белгиланган.

— Янги тахрирдаги “Ўзбекистон — 2030” стратегияси амалдаги ҳужжатнинг мантқиқий давомий бўлиб, унинг мазмунан ва услубан янги босқичини ифода этади, — дейди Миллатлараро муносабатлар ва хориждаги ватандошлар масалалари бўйича қўмита раиси ўринбосари Бекзод Шукуров. — Ўнда, шунингдек, хорижда истикомат қилаётган ватандошларини қўллаб-қувватлаш, улар билан доимий мулоқотни йўлга қўйиш ҳамда жамиятда миллатлараро тотувлик муҳитини мустаҳкамлаш ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини ривожлантириш юзасидан қатор янги ташаббуслар илгари сурилмоқда. Хусусан, хорижий давлатлардаги дўстлик жамиятлари сонини 80 тага, биродарлашган шаҳарлар сонини 150 тага етказиш кўзда тутилган.

Хориждаги ватандошларга она тилимизда чоп этилган бадий адабиётлар етказиб беришни кўпайтириш, улар томонидан



тайёрланган ўзбек тилидаги ва ўзбек тилидан бошқа тилга таржима қилинган илмий, бадий, шеърӣ тўплам ва бошқа адабиётлар чоп этилишини 125 тага етказиш мақсад қилинган. “Анор” ва “Чинор” лойиҳалари доирасида ватандошларни Ўзбекистонга олиб келиш, хориждаги ватандошларнинг фарзандларига ўзбек тилини ўргатишга ихтисослашган ўқув марказлари сонини кўпайтириш режалаштирилган.

Мазкур ташаббуслар хорижда истикомат қилаётган ватандошларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда улар билан доимий, тизимли ва самарали мулоқотни йўлга қўйишга хизмат қилади. Шу орқали чет элда яшаётган юртдошларимизнинг ижтимоий, маданий ва маънавий жиҳатдан Ватан билан узвий алоқаларини мустаҳкамлаш, уларнинг салоҳиятини мамлакат тараққиёти йўлида сафарбар этиш имконияти кенгайди. Айни пайтда ушбу ташаббуслар жамиятда

миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик ва ўзаро ҳурмат муҳитини янада мустаҳкамлаш, турли миллат ва элатлар ўртасида ҳамжиҳатлиқни таъминлашга ҳисса қўшади. Натижада Ўзбекистоннинг кўп миллатли жамият сифатидаги ижобий қиёфаси халқаро майдонда янада мустаҳкамланиб, хорижий давлатлар билан дўстлик, стратегик ҳамкорлик ва ўзаро ишончга асосланган алоқалар янги, сифат жиҳатидан юқори босқичга кўтарилади.

Армиямиз — оsoйишталигимиз кафолати

Ҳозир дунёнинг сиёсий ва ҳарбий хартисаидаги ўзгаришлар шиддатли кечмоқда. Бу жараёнда хавфсизлик ва чегаралар дахлсизлигини таъминлаш, суверенитетни асраш ҳаёт-мамот масаласига айланмоқда. Бундай вазиятда она Ватанин муҳофаза қилиш, юрт тинчлигини асраш мард ва жасур ҳимоячилар зиммасига улкан масъулият юклайди. Бу эса давлатнинг мудофаа салоҳиятини кучайтириш, армиянинг ҳарбий қудратини ошириш каби кеңиктириб бўлмас вазифаларни кун тартибига қўймоқда. Мамлакатимизда ҳам бу ҳаётӣ муҳим масалаларга оқилона ёндашилиб, Ватанимиз мудофаасини кучайтиришга эътибор ҳар қачонгидан ҳам ошган.

Қуроли Кучларнинг ҳарбий қудратини ошириш бўйича кенг кўламли ишлар қилинати. Жумладан, бошқарув ва таъминот тизими такомиллаштирилиб, замонавий ахборот технологиялари асосида модернизация қилинмоқда. Қўшинларимизнинг жанговар сафи янги таълим-тарбия олган малакали офицер ва сержантлар билан тўлдирилмоқда. Шахсий таркибнинг тайёрлиги даражаси, ҳарбий хизматчиларнинг касбий, интеллектуал ва маънавий салоҳияти изчил юксалтириллапти. Қуроли Кучларимиз замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан босқич-босқич таъминланмоқда.

Ёшлар ўртасида ҳарбий хизматга қизиқшини ошириш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, халқ билан армия ўртасидаги мустаҳкам бирлик ва жипсликни янада кучайтиришга қаратилган ишлар изчил давом этапти.

Янги тахрирдаги стратегия доирасида бу жабадаги ишлар янада юқори босқичга кўтарилади. Хусусан, Қуроли Кучлар резерви учун ҳарбий тайёргарликка эга сафарбарлик ресурслари кўпайтирилади. Соҳада замонавий ахборот технологиялари ва сунъий интеллектдан фойдаланиш орқали қўшинларни рақамлаштириш даражаси кескин оширилади. Ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш тизими тубдан такомиллаштирилади.

Минтақавий ва глобал вазият доимий таҳлил қилиниб, бу чора-тадбирларнинг барчаси, аввало, халқимиз билан бамаслаҳат кўрилатир. Зеро, бугунги синовли даврда халқ ва давлат бирлиги манфаатли, оқилона қарорлар қабул қилиш, шу асосда келажак авлодларга тинч, барқарор ва обод Ватан мерос қолдиришдек эзгу максалдар рўёбига хизмат қилади. Қолаверса, дунёда тинчлик ва барқарорликка эришишда Ўзбекистоннинг мақоми ва таъсирини юксалтиришга замин яратади.

Шарҳ

Қишлоқ хўжалиги соҳасида карантин ва ўсимликларни химоя қилиш масалалари глобаллашув шароитида халқаро савдо тизими билан чамбарчас боғлиқ. Айниқса, Жаҳон савдо ташкилоти доирасида амал қилаётган санитар ва фитосанитар чора-тадбирлар тизими давлатларнинг фитосанитар сиёсатини шакллантиришда хал қилувчи ўрин тутади. Карантин ва ўсимликларни химоя қилишга оид стандартлар, бир томондан, ўсимлик ресурсларини зараркунадан ва касалликлардан муҳофаза қилишга хизмат қилса, иккинчи томондан, халқаро савдода асоссиз тўсиқлар юзага келишининг олдини олишга қаратилди.



СТАНДАРТЛАР ВА ШАФФОФ ТИЗИМ

ХАЛҚАРО БОЗОРЛАРГА ЧИҚИШНИНГ МУҲИМ ШАРТИ



Наибакхон МАМАДАЛИЕВА,
Техник жиҳатдан тартибга
солиш агентлиги директорининг
маслаҳатчиси

Ўсимликлар карантини ва химояси соҳасида стандартлаштириш тушунчаси, аввало, илмий асосланган, шаффоф ва халқаро даражада тан олинган қоидалар мажмуини англатади. Бу қоидалар зарарли организмларнинг тарқалиш хавфини баҳолаш, фитосанитар чораларни танлаш ва самарадорлигини таъминлашга йўналтирилган. Халқаро савдо кенгайиб, аграр маҳсулотлар айирбошланиши ортиб бораётган ҳозирги даврда бир мамлакатда мавжуд бўлмаган карантин зараркунадаси ёки касаллиги бошқа мамлакат ҳудудига кириб келиши хавфи кескин ошиб бормоқда. Шу сабабли фитосанитар стандартларни фақат ички қишлоқ хўжалиги сиёсати воситаси эмас, балки ташқи савдо муносабатларининг ажралмас қисмига айланган.

Президентимизнинг Олий Мажлис ва халқимизга Мурожаатномасида мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини янги босқичга кўтариш, қишлоқ хўжалиги ва экспорт салоҳиятини ошириш бўйича янада кенг қўлланми вазифалар белгиланиб, ташқи бозорлар билан интеграциялашув механизмларини мустақамлашнинг муҳимлиги таъкидланди. Мамлакатнинг иқтисодий стратегияси контекстида аграр секторни модернизация қилиш, сифат стандартларини жорий этиш ва ички маҳсулотларни халқаро талабларга мувофиқлаштириш устувор йўналишлар қаторида кўрилмақда. Бу эса карантин ва ўсимлик химояси соҳасини тартибга солиш жараёни халқаро фитосанитар талаблар, жумладан, Жаҳон савдо ташкилотининг стандартлари билан уйғунлаштиришни талаб қилувчи стратегик мақсад сифатида белгиланганини англатади.

Ортимизда карантин ва ўсимликлар химояси соҳасидаги қўнунчилик тизими миллий ҳудудни зарарли организмлар, карантин касалликлари ва фитосанитар хавфлардан муҳофаза қилишга қаратилган давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири сифатида шаклланган. Мазкур соҳадаги норматив-ҳуқуқий тартибга солиш, аввало, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш барқарорлигини таъминлаш, биологик хавфсизлигини мустақамлаш ва озик-овқат хавфсизлигини кафолатлаш вазифаларини қамраб олади. Карантин ва ўсимлик химоясига оид қўнунчиликлар давлат органларининг ваколатлари, фитосанитар назоратни амалга ошириш тартиби, карантин чораларини жорий этиш асослари ҳамда маҳсулотларнинг ички ва ташқи

ҳаракатида қўлланадиган талаблар белгилаб қўйилган. Бу талаблар миллий ҳудудга ташқи фитосанитар хавфларнинг кириб келишига йўл қўймаслик, шунингдек, мамлакат ичида зарарли организмлар тарқалишининг олдини олишга қаратилган бўлиб, улар кўп ҳолларда маъмурий-назорат характерига эга экани билан ажралиб туради.

Шу билан бирга, Ўзбекистон қўнунчилигида карантин ва ўсимлик химояси соҳасида белгиланган талаблар халқаро савдо муносабатлари кенгайиб бораётган ҳозирги шароитда янада такомиллаштиришни талаб этмоқда. Амалдаги меъёларда фитосанитар чораларни жорий этишда илмий хавф таҳлили, мутаносиблик ва ҳудудий фарқлаш каби тамойиллар етарли даражада институционаллашмаган ҳолатлар учраб туради. Бу эса ташқи бозорларга чиқишда миллий маҳсулотлар учун қўшимча тўсиқлар юзага келтириши мумкин. Шу нукта назардан, карантин ва ўсимлик химояси бўйича миллий қўнунчиликни халқаро санитар ва фитосанитар талаблар, айниқса, ЖСТ доирасида қабул қилинган илмий асосланган ёндашувлар билан уйғунлаштириш долзарб аҳамият касб этади. Бундай уйғунлашув натижасида фитосанитар талаблар фақат назорат ва чеклаш воситаси эмас, балки экспортни рағбатлантирувчи,

кинлигини кўрамыз. Жаҳон савдо ташкилоти амалиётида қўллаб ниҳолар айнан шу масала билан боғлиқ бўлиб, давлатлар ўз фитосанитар чораларини ҳақдан ташқари қатъий ёки илмий жиҳатдан асосланмаган ҳолда жорий этганликда айбланган. Бу эса стандартларнинг фақат илмий эмас, балки ҳуқуқий ва институционал аҳамияти ҳам борлигини кўрсатади.

Карантин ва ўсимлик химояси соҳасида стандартлаштиришнинг яна бир муҳим жиҳати, миллий сифат инфратузилмаси билан узвий боғлиқлигидир. Фитосанитар назорат, лаборатория синовлари, диагностика усуллари, сертификатлаш ва аккредитация тизимлари бир-бирини тўлдирувчи элементлар сифатида фаолият юритади. Экспортга йўналтирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун фитосанитар сертификатларнинг халқаро миқёсда тан олинishi ана шу инфратузилманинг ривожланганлик даражасига боғлиқ. Бу ҳақда халқаро савдода сифат, стандартлар ва санитар-фитосанитар чораларнинг ўзаро боғлиқлиги кенг ёритилган бўлиб, миллий тизимларни халқаро келишувлар билан уйғунлаштириш зарурлиги таъкидланади.

Карантин ва ўсимлик химояси стандартлари трансдисциплинар хусусиятга эга бўлиб, агрономия, биология, ҳуқуқ, иқтисодиёт



халқаро ишонччи оширувчи ва миллий аграр сектор рақобатбардорлигини таъминловчи институтга айланиши мумкинлигидан келиб чиқиб, бугун ушбу соҳада айнан шундай ислохотлар амалга оширилмоқда.

Стандартлар ва карантин чоралари ўртасидаги боғлиқликни таҳлил қилар эканмиз, миллий даражада қабул қилинаётган фитосанитар талаблар халқаро стандартлар билан мувофиқлаштирилмаган тақдирда улар техник ёки фитосанитар тўсиқ сифатида баҳоланиши мум-

кинлигини кўрамыз. Жаҳон савдо ташкилоти амалиётида қўллаб ниҳолар айнан шу масала билан боғлиқ бўлиб, давлатлар ўз фитосанитар чораларини ҳақдан ташқари қатъий ёки илмий жиҳатдан асосланмаган ҳолда жорий этганликда айбланган. Бу эса стандартларнинг фақат илмий эмас, балки ҳуқуқий ва институционал аҳамияти ҳам борлигини кўрсатади.

Карантин ва ўсимлик химояси стандартлари трансдисциплинар хусусиятга эга бўлиб, агрономия, биология, ҳуқуқ, иқтисодиёт



тегик аҳамиятга эга бўлиб, бу ҳолат мамлакат иқтисодиётида қишлоқ хўжалигининг етакчи ўрни, экспорт таркибида аграр маҳсулотлар улушининг юқорилиги ҳамда иқлим ва биологик хилма-хиллик билан боғлиқ омиллар билан изоҳланади. Мамлакат ҳудуди Марказий Осиёдаги муҳим транспорт ва савдо йўллари чорраҳасида жойлашгани сабабли фитосанитар хавфлар трансчегаравий тусга эга бўлиб, карантин зараркунадан ва касалликлар кириб келиши эҳтимоли юқори.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон ташқи савдо сиёсатини либераллаштириш, экспорт географиясини кенгайтириш ҳамда Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишга қаратилган изчил ишловларни амалга оширмоқда. Ушбу жараён карантин ва ўсимлик химояси соҳасидаги стандартлар тизимини халқаро талаблар билан уйғунлаштиришни объектив заруратга айлантирди.

Ўзбекистон шароитида фитосанитар стандартларни жорий этишнинг муҳим жиҳати миллий сифат инфратузилмасини мустақамлаш билан бевосита боғлиқ. Карантин назорати, фитосанитар экспертиза, лаборатория диагностикаси ва сертификатлаш тизимларининг самарали фаолияти халқаро бозорларда миллий маҳсулотларнинг қабул қилинишига таъсир кўрсатади. Экспортга йўналтирилган мева-сабзавот, галла, пахта ва қайта ишланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун фитосанитар сертификатларнинг халқаро даражада тан олинishi мамлакатнинг экспорт салоҳиятини белгиллаб берувчи омиллардан.

Жаҳон савдо ташкилоти талаблари нуктаи назаридан, Ўзбекистон учун асосий вазифа фитосанитар чораларни хавф даражасига мутаносиб белгилашдир. Яъни ўсимликларни муҳофаза қилиш мақсадида жорий этиладиган карантин чекловлари илмий далилларга асос-

ланиши, халқаро фитосанитар стандартларга зид бўлмаслиги ва савдода аширин чеклов воситаси сифатида қўлланмаслиги лозим. Бу эса миллий қўнунчилик ва амалиётда хавфни баҳолаш методологияларини кенг жорий этиш, статистик маълумотлар базасини мустақамлаш ва илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликни кучайтиришни талаб қилади.

Ўзбекистон учун яна бир муҳим масала, ривожланаётган давлат сифатида фитосанитар стандартларга мослашишда институционал ва техник имкониятларни босқичма-босқич оширишдир. Лаборатория базасини модернизация қилиш, халқаро даражада тан олинадиган аккредитация тизимларига интеграциялашув ҳамда фитосанитар мутахассислар малакасини ошириш бундай мослашувнинг асосий шартлари. Қисқа муддатда бу жараён муайян ҳаражати талаб этса-да, узоқ муддатли истикболда миллий аграр маҳсулотларнинг рақобатбардорлигини ошириш ва ташқи бозорларга барқарор киришни таъминлайди.

Шу тариқа Ўзбекистон шароитида карантин ва ўсимлик химояси стандартлари фақат биологик хавфсизликни таъминлаш воситаси эмас, балки ЖСТга интеграция жараёнининг муҳим институционал элементи сифатида намоён бўлади. Ушбу соҳадаги ислохотлар миллий манфаатлар билан бир қаторда халқаро мажбуриятларни ҳам ҳисобга олган ҳолда амалга оширилсагина мамлакатнинг аграр секторида барқарор ривожланиш ва экспорт салоҳияти ошишига хизмат қилади.

Карантин ва ўсимлик химояси соҳасидаги стандартларнинг халқаро савдо тизимидаги ўрни Жаҳон савдо ташкилотининг Санитар ва фитосанитар чоралар тўғрисидаги битими (SPS) орқали аниқ институционал шаклга эга бўлган. Ушбу битим 1995 йилдан кучга кириб,

инсон, ҳайвон ва ўсимликлар саломатлигини муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган барча санитар ва фитосанитар чораларнинг халқаро савдога таъсирини тартибга солувчи асосий ҳуқуқий ҳужжатдир.

SPS битими давлатларнинг ўсимликлар карантини ва химояси соҳасида суверен қарор қабул қилиш ҳуқуқини тан олган ҳолда бундай қарорлар илмий далилларга асосланиши ва савдода асоссиз чекловлар келтириб чиқармаслигини қатъий белгилайди. Битимнинг марказий ғояси шундан иборатки, санитар ва фитосанитар чоралар соғлиқни муҳофаза қилиш мақсадида қўлланиши мумкин, аммо улар протекционизм воситаси сифатида ишлатилмаслиги лозим. Шу тариқа фитосанитар стандартлар биологик хавфсизлик билан эркин савдо ўртасидаги мувозанатни таъминловчи институтга айланади.

Мазкур битим фитосанитар стандартларни ишлаб чиқиш ва қўллашда илмий хавф таҳлилини асосий мезон сифатида белгилайди. Ўсимликларга зарар етказувчи организмларнинг кириб келиши, жойлашиши ва тарқалиши билан боғлиқ хавфлар аниқ илмий маълумотлар, эпидемиологик кузатувлар ва халқаро тажриба асосида баҳоланиши шарт. Илмий асосланмаган ёки хавф даражасига номуносиб чоралар халқаро савдода ниҳолар келтириб чиқариши мумкинлиги битимда алоҳида таъкидланган.

SPS битимининг 3-моддаси фитосанитар чораларни халқаро стандартлар билан уйғунлаштириш тамойилини мустақамлайди. Ушбу моддага мувофиқ, давлатлар ўз миллий санитар ва фитосанитар чораларини мавжуд бўлган халқаро стандартлар, қўлланмалар ва тавсияларга асослаши лозим. Ўсимликлар саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасида бундай стандартлар халқаро фитосанитар тизим доирасида ишлаб чиқилади ва уларга таяниш миллий талабларнинг халқаро миқёсда тан олинishi таъминлайди. Бироқ мазкур модда давлатларни халқаро стандартларни механик тарзда қабул қилишга мажбур қилмайди, аксинча, илмий асос мавжуд бўлган тақдирда юқориқор ҳимоя даражасини белгиллаш ҳуқуқини сақлаб қолади. Бу норманинг аҳамияти шундаки, у фитосанитар стандартларни бир вақтнинг ўзида ҳам универсал, ҳам миллий хусусиятларга мослашувчан институт сифатида шакллантиради.

Шунингдек, битимнинг муҳим институционал жиҳатларидан бири фитосанитар стандартларни халқаро даражада уйғунлаштириш тамойилидир. Бундай уйғунлашув фитосанитар талабларнинг халқаро миқёсда тан олинishi таъминлаб, экспорт ва импорт жараёнларида ҳуқуқий аниқлик яратди.

SPS битими доирасида фитосанитар чораларни ҳудудий шароитларга мослаштириш тамойили ҳам муҳим аҳамият касб этади. Зараркунадан ёки касаллик мавжуд бўлмаган ҳудудларни тан олиш, паст хавфли ҳудудларни белгиллаш ва карантин талабларини шу асосда фарқлаш халқаро савдода асоссиз чекловларни қамайтиришга хизмат қилади. Ушбу ёндашув Ўсимлик химояси соҳасида стандартларнинг қатъий эмас, балки хавфга мослашувчан инструмент эканини кўрсатади. Бу эса Ўзбекистон ҳудуди учун жуда муҳим.

Шу нуктаи назардан, Ўзбекистон шароитида мазкур нормаларнинг аҳамияти янада ортиб боради. Мамлакатнинг Жаҳон савдо ташкилотига қўшилиши жараёнида фитосанитар қўнунчиликни айнан SPS битими моддаларига мос равишда такомиллаштириш миллий аграр маҳсулотларнинг ташқи бозорларда қабул қилиниши учун зарур шартлардан. Хавфни баҳолашга асосланган ёндашувни институционал даражада жорий этиш, халқаро фитосанитар стандартларга уйғунлашувни кучайтириш ва регионализация механизмларидан фойдаланиш Ўзбекистон учун фитосанитар стандартларни савдо чеклови эмас, балки экспортни рағбатлантирувчи омилга айлантириш имконини беради.

Карантин ва ўсимлик химояси масалалари стандартлар орқали Жаҳон савдо ташкилоти тизимига чуқур интеграциялашган. Бу стандартлар ўсимлик ресурсларини муҳофаза қилиш, савдо хавфларини бошқариш ва халқаро бозорларга барқарор киришни таъминлашнинг муҳим воситаси. Улар илмий асосланган, шаффоф ва халқаро мувофиқлаштирилган бўлсагина фитосанитар чоралар ўзининг иккиламчи мақсадини — хавфсизлик ва савдо эркинлигини бир вақтнинг ўзида таъминлаш вазифасини самарали адо эта олади.



Хусусан, Сурхон воҳасида ҳам йўللарни таъмирлаш, йўловчи ҳамда ҳайдовчиларга муносиб шарт-шароит ва қулайликлар яратиш мақсадида салмоқли ишлар қилинди. Ҳудудда халқаро, давлат ва маҳаллий аҳамиятга эга йўللар, ички хўжалик йўллари, шаҳар ва қишлоқ кўчалари ҳамда кўприклар босқичма-босқич янгиланмоқда.

— Ҳозир вилоятимиз ҳудудидан 16 минг 170 километр автомобиль йўли ўтган. Шундан 2843 километр қисми Автомобиль йўллари қўмитаси тасарруфидagi умум-фойдаланувдagi йўللardир. Жумладан, 351 километри халқаро, 990 километри давлат аҳамиятига эга ҳамда 1502 километри маҳаллий тоифадagi автомобиль йўллари, — дей-

ЮРТ КЎРКИГА АЙЛАНАЁТГАН ТЕКИС ВА РАВОН ЙЎЛЛАР

Элда шундай гап бор: “Кўли гул боғбондан яшнаган боғ, яхши муаллимдан илмли шогирд, меҳнаткаш йўлсоздан эса текис ва равон йўл қолади”. Бугун қайга қараманг, яшил ҳудудлар кенгаётгани, фикири теран ёшлар улғаяётгани, катта-кичик йўллар ётқизиляётганини кўрасиз.



Тараққиёт одимлари

ди Шеробод тумани йўллардан фойдаланиш корхонаси давлат муассасаси бош мутахассиси Ойбек Набиев. — Бу рақамлар ҳам ҳудуднинг транспорт-логистика салоҳияти юқорилиги, уч мамлакатга қўшни бўлган вилоятнинг нафақат ички, балки халқаро йўналишларда ҳам муҳим транзит ҳудуд эканини кўрсатади.

2025 йилда вилоятдаги барча манбалар ҳисобидан 964,1 километр автомобиль йўли, 20 та кўприк ва йўл ўтказгичи қурилиш, реконструкция ва таъмирлаш ишлари бажарилиши режалаштирилган эди. Ўтган йил якунларига кўра, 901,1 километр йўлда 747,3 миллиард сўмлик таъмирлаш ишлари якунланиб, белгиланган режа 100 фоиз удалан-

рик кенгайтирилиб, ҳайдовчи ва йўловчилар, маҳаллий аҳоли ҳамда меҳмонлар учун хавфсиз ва узлуксиз катнов таъминланди. Бунинг учун давлат бюджетидан 13,3 миллиард сўм сарфланди, — дейди Шеробод тумани йўллардан фойдаланиш корхонаси давлат муассасаси бўлим бошлиғи Шухрат Оллоев.

Йўллар транспорт ҳаракатини таъминлаш билан бирга иқтисодиётни ҳам жонлантиради. Янги ва таъмирланган равон йўллар орқали маҳсулот етказиб бериш суръати ҳамда хизматлари сифати ошади, аҳолининг вақти ва маблағи тежалди. Айниқса, узоқ йўллардан буён аҳолини қийнаб келаятган, ёзининг чилласида

чанг-тупроқ, ёгингарчилик кўнларида лой-балчиқ бўладиган қишлоқ йўлларида асфальт қопламаларининг ётқизишлиши аҳоли ҳаётидаги сезиларли ўзгаришларга сабаб бўлмоқда.

— Ўтган йили Инвестиция дастури доирасида вилоят миқёсида 14 та объектдаги 19,5 километр йўлда қуриш, қайта қуриш ва таъмирлаш ишлари бажарилди, — дейди Сурхондарё вилояти минтақавий йўллар буюртмачи хизмати давлат муассасаси бўлим бошлиғи Маъмуржон Ғозиев.

“Ташаббусли бюджет” дастури ҳам аҳоли тақлифлари асосида ҳудудларни обод қилишда самарали механизмга айланди. Ўтган йили

дастурнинг биринчи ва иккинчи мавсуми натижаларига кўра, вилоятда йўл соҳаси бўйича 105 маҳалладagi 117 та объектда 151,8 миллиард сўмлик ташаббусли лойиҳалар голиб деб топилди. Мазкур объектларнинг барчасида қурилиш ва таъмирлаш ишлари тўлиқ якунланиб, жами 370,1 километр йўл фойдаланишга топширилди.

Сурхондарёда йўл инфратузилмасини яхшилаш борисида мегалойиҳа амалга оширилмоқда. Бойсун, Бандихон, Қумқўрғон, Олтинсой ва Денов туманлари ҳудудидан ўтадиган узунлиги 111 километр бўлган “Дарбанд — Бойсун — Элбаён” йўли қайта қурилмоқда. Йўлнинг 52,9 километrigа цемент-бетон қоплама ётқизиладиган. Умумий қиймати 8,68 миллион долларга тенг бўлган ушбу лойиҳани халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан хорижий компания амалга оширяпти. Реконструкция натижасида йўл сифатли, хавфсиз ва узлуксиз ҳаракат учун мос ҳолатга келтирилади. Транспорт ва логистика учун муҳим аҳамият касб этади. Ҳозир қурилиш ишлари жадал давом эттирилмоқда.

— Йўл раволиги юрт фаровонлигидан дарак беради. Аслида ҳам шундай, — дейди “Нуроний” жамағармаси Бойсун тумани бўлими раиси Эшдават Тошбоев. — Йўлларимиз йилдан йилга ривожланиб борапти. Авваллари нафақат энг чека ҳудудлар, балки катта-кичик аҳоли марказларида ҳам чанг, лой қўчалар бўларди. Ҳозир Бойсундек тоғли манзилларнинг энг чека қишлоқларидаги кўчалар ҳам асфальтланмоқда.

Сарвар ТЎРАЕВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Президентимиз раислигида Хавфсизлик кенгашининг шу йил 13 январда бўлиб ўтган йиғилишида миллий армиямизни янада ривожлантириш, ҳарбий хизматчиларни қўллаб-қувватлаш масалалари бўйича устувор вазифалар белгиланди. Муддатли ҳарбий хизматни ўташ ёшлар учун муваффақият йўлига айланиши кераклигига алоҳида урғу берилди. Эндиликда муддатли ҳарбий хизматнинг янги модели шаклланади. Бу орқали армиядан қайтган ҳар бир аскар касбий кўникмага эга бўлади.



ҲАРБӢЙ ХИЗМАТ

МУВАФФАҚИЯТ САРИ ЕТАКЛАЙДИ

Жойларда бу борадаги ҳаракатлар бошлаб юборилди. Жумладан, Миллий гвардия Фарғона вилояти бўйича бошқармаси қасб-хунарга ўқитиш тизимини йўлга қўймоқда. Айни пайтда муддатли ҳарбий хизматчилар компьютер графикаси оператори, автомобильларни таъмирловчи чилангар, пайвандловчи ва сартарошлик каби замонавий ҳамда талаб юқори бўлган йўналишлар бўйича сертификат олишга тайёрланмоқда.

Касбий таълим агентлиги Фарғона вилояти бошқармаси бошлиғи Тўйчибой Бойматов берган маълумотлар вилоятда юқоридagi топшириқлар ижросига жадал киришилганини кўрсатади.



— Энди муддатли ҳарбий хизматчиларимиз нафақат ҳарбий хизмат қилади, балки ўз иқтидори доирасида биттадан касб эгаси ҳам бўлиб кетади, — деди Т.Бойматов. — Албатта, ҳозирги кун талаби — ахборот технологиялари соҳаси. АТ, хорижий тилсиз бугунги ҳаётни тасаввур қилиб бўлмайди. Шунинг учун бу йўналишларга малакали мутахассисларнинг жалб қилганмиз. Улар муддатли ҳарбий хизматдаги аскарларимизга таълим-тарбия беришга тайёр.

Касбий таълим Фарғона вилояти бошқармаси негизидagi 67 та техникум ва қасб-хунар маркази имкониятларидан фойдаланган ҳолда ҳарбий хизматчиларга чилангар, пайвандловчи, компьютер техникаси оператори, шунингдек, маркетинг бўйича мутахассис, кадрлар ва махсус ишлар бўйича инспектор, офицант, автомобилларни таъмирлаш чилангари, AutoCad дастуричи, сартарош ва электромонтёр каби касб-хунарлар ўргатилмоқда.

Муддатли ҳарбий хизматчи Самандар Турсунов аскарларнинг машиналарга техник хизмат кўрсатиш, сантехниклар бўйича касб-хунарга эгаллаётганидан мамун.

— Бу ҳунарга бизга келажакда ўз ишимизни, ўрнимизни топишимизда ёрдам беради. Чунки ҳамма аскарлар ҳам муайян касбини эгаллаб улгурмаган. Хусусан, ўзим ҳарбий хизмат даврида техникага хизмат кўрсатишни ўрганимман, шу йўналиш бўйича ўқипман. Қисқа муддатда ишга қўлим келиб, малака, тажрибам ошиб борапти, — дейди аскар.

Шарқий ҳарбий округ Фарғона гарнизонидagi ҳарбий қисмларда муддатли хизматни ўтаётган аскарлар учун Фарғона шаҳридаги 4-техникум билан ҳамкорликда касб-хунарга ва хорижий тилларни ўргатишга қаратилган ўқув машғулотлари йўлга қўйилди.

Шарқий ҳарбий округ қўшинлари қўмондонни ўринбосари, полковник Меҳриддин Қўчқоровнинг айтишича, 2025-2026 йилда хизмат қилаётган муддатли ҳарбий хизматчиларни икки ой мобайнида қасб-хунарга, қолаверса, чет тилларга ўргатиш

мақсад қилинган. Бундан ташқари, Шарқий ҳарбий округ ҳудудида жойлашган Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларида ҳам муддатли ҳарбий хизматчиларни айнан шу йўналишларда ўқитиш устида ишланапти.

Фарғона шаҳридаги 4-техникум директори Равшан Умаров эса бугун ҳарбий хизматчиларга ҳам хизмат қилиш, ҳам касб эгаллаш имкони берилгани улар орқали жамиятга сезиларли манфат келтиришини таъкидлади. Унинг айтишича, техникумга энг охири русумдаги дастоҳлар келтирилган. Халқаро таълим дастурига тушган тўртта йўналишда 120 аскарга малакали, илмий даражаси бор ўқитувчилар дарс берапти. Бу эса аскарларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, келгусидаги касбий фаолиятига мустаҳкам пойдевор яратди ҳамда ҳарбий хизматдан кейинги ҳаётга мослашувини осонлаштиради.

Муддатли ҳарбий хизматчи, оддий аскар Шохрух Ёкубов АТ ва ҳарбий хизматда керак бўладиган киберхавфсизлик бўйича малака оширяпти. У яратилаётган бугунги шароитлар ёшларнинг армияга қизиқишини оширишга хизмат қилиши ҳақида ишонч билан гапирди.

Муддатли ҳарбий хизматчиларни меҳнат бозорига талаб юқори қасбларга йўналтириш мақсадида қисқа муддатли ўқув курсларига жалб этиш ишлари барча ҳудудларда жадал олиб бориляпти. Зеро, бу ўз вақтида ва тўғри ўйланган эгзу ташаббуслардан бири бўлди. Бугун ҳам ҳарбий хизматни ўтаб, ҳам касб-хунарга эгаси бўлиб кетиш нечоғдиқ манфатли эканини ёшлар яхши билади.

Миллий гвардия Қашқадарё вилояти бўйича бошқармаси ҳамда Қарши шаҳрида жойлашган Касбий кўникмалар маркази ўртасида Ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилди. Ҳамкорлик доирасида муддатли ҳарбий хизматчилар белгиланган тартибда икки ойлик қисқа муддатли ўқув курсларида тахсил олмақда. Айни пайтда улар электромонтёр, чилангар ҳамда сантехник йўналишлари бўйича касбий билим ва амалий кўникмаларни эгалламоқда.

Қарши шаҳридаги Касбий кўникмалар маркази бош мутахассиси Хулқар Рўзиқулова марказининг Миллий гвардия Қашқадарё вилояти бўйича бошқармаси билан қасбга ўқитиш борасида меморандум имзолаганини маълум қилди. Мақсад — муддатли ҳарбий хизматчиларни қасбга ўқитиш, ҳарбий хизматдан қайтганларни иш билан таъминлаш. Ўқув курсларини муваффақиятли якунлаган муддатли ҳарбий хизматчиларга давллат намунасидаги сертификатлар топширилиши белгиланган. Бу уларнинг ҳарбий хизматдан сўнг доимий иш билан таъминланишига кенг имконият яратди.

Муҳим жиҳатлардан бири, аскарларнинг ўқувларини якунлаганлик бўйича сертификатлари ўзбек, рус ва инглиз тилларида расмийлаштирилади. Хизматни тугатган ёшлар нафақат мамлакатимизда, балки хорижий давлатларда ҳам ўз касби бўйича ишлаши мумкин.

Ҳарбий хизмат даврида қасбга ўқитиш тизими жорий этилиши бир неча муҳим масалаларга ечим бўлади. Юқоридagi айтилганидек, ёшларнинг ҳарбий хизматни ўташга қизиқиши сезиларли даражада ортади. Хизматни тугатиб қайтганларнинг ишсиз қолиш хавфи камаюди. Зеро, қасб-хунарни ёшларда ўз кучига ишонч ортади. Уларда тадбиркорлик ёки меҳнат фаолиятини бошлашга интилиш кучаяди. Бу эса камбағалликни камайтириш, оилалар фаровонлигини таъминлаш йўлидаги сазй-ҳаракатларимиз самарадорлиги янада орттишини таъминлайди.

Муножат МҶМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



АШТАРХОНӢЙЛАР СУЛОЛАСИ

XVI асрнинг охирига келиб, Бухоро хонлигида шайбонийлар сулоласининг заифлашуви оқибатида юзага келган сиёсий бўшлиқ аштархонийлар (жонийлар) (1601-1747) сулоласининг ҳокимиятга келишига имконият яратди. Ўрта асрларга хос бошқарув анъаналаридан бири — ҳукмдорнинг чингизийлар сулоласига мансублиги аштархонийлар учун олий ҳокимиятни қўлга киритишга асос бўлди.



Аштархон (Астрахань) асли “Ҳожитархон” сўзидан олинган. Муҳаммад Юсуф Мушшайнинг “Тарихи Муқимхоний” асарида ёзилишича, у Чингизхон авлодининг Жўжи наслидан бўлиб, XIV асрнинг охириларидан Астрахань ва унинг атрофидаги ерларда ҳукмронлик қилган. 1556 йилда ушбу ҳудудларни рус қўшинлари забт этиши туфайли аштархонийлардан бўлган Ёр Муҳаммадхон оиласи билан шайбоний Искандархон (1561-1583) ҳукмронлиги йилларида Бухорога келади. Бу ерда улар иззат-иқром билан кутиб олинади. Искандархон Ёр Муҳаммадхоннинг катта ўғли Жоникбек султonga қизи Зухраҳонимни никоҳлаб беради. Бу никоҳдан Дин Муҳаммад, Боқи Муҳаммад ва Вали Муҳаммад исмли фарзандлар дунёга келади. Шу тариқа аштархонийларнинг мавқеи мустаҳкамланиб, сиёсий майдонда ҳам фаол ўрин эгаллай бошлайди.

1598 йилда шайбоний Абдулмўминхон ўлдирилгандан сўнг муносив моэмод топилмагач, хонлик тахтига Жоникбек султони ўтказмоқчи бўладилар. Бироқ у рози бўлмади. Шу боис, унинг катта ўғли Дин Муҳаммад номига хутба ўқилади ҳамда танга зарб этилади. Аммо Дин Муҳаммад Ҳирот яқинида сафавийларга қарши жангда ҳалок бўлади. Шундан сўнг тахтга Боқи Муҳаммад (1601-1605) ўтиради.



Вали Муҳаммад

Боқи Муҳаммад мамлакат чегараларини мустаҳкамлаш ҳамда бошқарув тизимини изга солиш учун кўп ҳаракат қилади. Унинг ҳукмронлиги даврида давлат қонунларининг амал қилиши сезиларли даражада жонланади. Давлат бошқаруви аппарати қайта ташкил этилади. Ҳарбий тизим мустаҳкамланади ҳамда аҳоли фаровонлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар қўйилади. 1605 йилда Боқи Муҳаммад вафот этгач, укаси Вали Муҳаммад (1605-1611) тахтга ўтиради. У ҳам акиси каби давлат мамлакатининг жанубий чегаралари хавфсизлигини таъминлашга ҳаракат қилади. Бироқ вақтиннинг кўп қисмини ичкиликка, базмларга сарфлаш, давлат ишларига нисбатан хотиржамлиги ҳокимиятнинг заифлашувига олиб келади. Манбаларда ёзилишича, унинг даврида мамлакатда тарқоқлик кучайиб, ички кураш авж олади. Қабилла беклари хон ҳокимиятига бўйсунмай, мухолифатчиликни кучайтиради. Вали Муҳаммад Бухоро тахтини эгаллаб, Шохбек кўкалдошини Балх ноиб этиб тайинлагандан сўнг кўп ўтмай, Имомқулихон (1611-1642) билан ўрталарида ихтилоф келиб чиқади. Бухоролик амирлар хон устидан жиғини Имомқулихонга шикоят қилиб, хонга қарши исён уюштиради. Бундан хабар топган Вали Муҳаммад фарзандларини олиб, Эронга — шох Аббос (1588-1629)

ёнига боради. Шохдан ҳарбий мадад олгач, Имомқулихонга қарши юриш бошлайди. Аммо кўплаб амирлар Имомқулихон тарафига ўтиб, унга мустаҳкам таянч бўлиб турган. Маҳмуд ибн Валийнинг “Баҳр ул-асрор” асарида қайд этилишича, Самарқанд амирлари — Ялангтўшбой оталиқ олчин, Боқи Муҳаммад, Нодирбек Шукрбий сарой ва бошқалар Имомқулихонни қўллаб-қувватлаган. Икки ўртада бўлиб ўтган жангда Имомқулихон Эрон қўшинларини тор-мор этиб, мамлакат мустақиллигини сақлаб қолади. Вали Муҳаммад эса асир олиниб, қатл қилинади.

Имомқулихон даврида давлат ҳокимияти нисбатан кучайиб, сиёсий барқарорлик ўрнатилади ҳамда ички низоларга чек қўйилади. Тарихчи Муҳаммад Юсуф Мушшайнинг таъкидлашича, Имомқулихон замонида Балхда ҳам, Бухорода ҳам тартибсизлик ёки исён кузатилмаган. У ўз сиёсатини, аввало, мамлакат чегаралари хавфсизлигини мустаҳкамлаш ва ҳудудий кенгайтиришдан бошлайди. Хусусан, шимолдан мамлакат ҳудудига хавф солиб турган қозоқ ва қалмиқларга қарши юриш қилиб, уларни Мовароуннахрдан қувиб чиқаришга муваффақ бўлади.

Уша давр манбаларида жамиятдаги осойишталик, ижтимоий-иқтисодий фаровонлик ҳақида ҳам маълумотлар учрайди. Жумладан, улардан бирида шундай биттиқлар бор: “У давлатда бидъат ва бузғунчиликка оид бўлган нарсаларнинг барчасини бартараф этди, муҳтожларни ноқорликдан қутқарди, эрз билан мурожаат қилганларнинг ҳеч бирини рад этмади. Унинг замонида камбағал ва қашшоқ қолмаган эди”. Шунингдек, унинг оддий кийимда вазири Нодир девонбеги ва кўриқчиси билан бирга фуқаролар аҳолидан суҳбат қуришга юксак ишғиёқ билдиргани, шу билан бирга, ўзи ҳам шеърлар битгани эътироф этилади.

Ҳукмронлигининг сўнгги йилларида Имомқулихоннинг кўзи ожиз бўлиб қолади. Шу сабаб у тахтдан ихтиёрий равишда воз кечиб, Балхдан укаси Надр Муҳаммадхонни (1642-1645) чақиртириб, уни тахтга ўтказди. Янги хон ҳукмронлигининг дастлабки йиллари нисбатан барқарор кечгандек туюлса-да, кейин мамлакатдаги осойишталик ўрнини ички низолар, қаршиликлар эгаллайди. Жамиятда амирларнинг нуфузи ортиб, хон ҳокимиятига қарши исёнлар кўтарилга бошлайди. Оқибатда 1645 йилда унинг тўн



ғич ўғли Абдулазизхон (1645-1681) хон деб эълон қилинади. Ноилж қолган Надр Муҳаммадхон Балхга кетишга мажбур бўлади. Адабиётларда айнан шу даврда мамлакатда “қўш ҳокимиятчилик” ҳукм сургани хусусида фикрлар билдирилган.

Абдулазизхон ҳамда ундан кейинги хон — Субҳонқулихон (1681-1702) давларида ҳам сиёсий вазият ўнгланмади, кўплаб ҳудудлар қўлдан бой берилади. Бухоро хонлигида авж олган ички сулолавий курашлар давлатни заифлаштириб, ҳудуднинг талон-тарож қилинишига шароит яратади. Маълумотларга кўра, Дашти қипчоқ кўчманчилари ҳамда Хоразм ҳукмдорлари томонидан тез-тез ҳужум уюштирилиб, шаҳар ва қишлоқлар вайрон этилган.

Навбатдаги аштархоний ҳукмдор Убайдуллахон II (1702-1711) даврида ҳам ички сиёсий тарқоқлик давом этади. Оқибатда Балх, Самарқанд, Ҳисор, Шахрисабз, Насаф сингари асосий вилоятлар амирлар тасарруфига ўтади. Бу ҳолат амирлар ва йирик амалдорларнинг мавқеи тобора ортиб борганини кўрсатади. Хон бу вазиятга қарши қатор чора-тадбирларни кўришга уринган. Хусусан, айрим амалдорларни марказий ҳокимиятдан четлатиб, улар ўрнига ҳунарманд ва савдогарлар табақаси фарзандларини тайинлаган. Шунингдек, пул ислоҳотини ўтказган. Бироқ ушбу ислохотлар кутилган натижани бермайдди. 1711 йилда у уюштирилган фитна оқибатида ҳалок бўлади. Шунга қарамай, Убайдуллахон марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаш ва мамлакатни инқироздан олиб чиқишга интилган аштархоний ҳукмдорлардан бўлганини таъкидлаш лозим.

Абулфайзхон ибн Субҳонқулихон (1711-1747) аштархонийлар сулоласининг амалдаги сўнгги ҳукмдори бўлиб, ўзидан олдин тахтга келган хонлар ичида энг ёши эди.



Абдулазизхон

Айрим манбаларда у 16, бошқаларида эса 10 ёшида Бухоро тахтига ўтиргани қайд этилади. Шу боис, у бир гуруҳ сиёсий кучлар таъсири доирасига тушиб қолиб, кейинчалик ҳам бу ҳолатдан чиқиб кета олмаган.

XVIII асрда юзага келган иқтисодий-сиёсий танглик мамлакатни чуқур инқирозли ҳолатга олиб келади. Мазкур вазиятдан фойдаланган Эрон ҳудудида юксалиб бораётган афшорийлар сулоласи етакчиси Нодиршоҳ (1736-1747) Марказий Осиё, хусусан, Бухорога ҳарбий юриш бошлайди. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, сўнгги йиллардаги тадқиқотларда ушбу йирик сиёсий воқеа минтақадаги хонликларни ташқи кучларга қарши иттифоқлаштириб, биргаликда ҳаракат қилишга ундаган омил сифатида баҳоланади. Жумладан, Нодиршоҳнинг ўғли Ризоқули мирзо 1737-1738 йилда Балхни эгаллаб, Мовароуннахрга юриш қилган вақтда Абулфайзхон ва Ҳакимбий оталиқ Хива хони Элбарсхондан ёрдам сўрагани манбаларда келтирилган.

1740 йилда Нодиршоҳ яна Бухоро тарафга юриш қилади. Тарихчи Абдулқарим Бухорийнинг ёзишича, “Нодиршоҳнинг Мова



роуннахрни босиб олиш ҳаракатига жавобан кучлар нисбатини тўғри баҳолай олган Абулфайзхоннинг нияти сулҳ тузиш бўлган”. Нодиршоҳ Ҳиндистондан қайтаётганда хон унинг қўшинига кучи етмаслигини тан олиб, бир неча ишончли кишилари ҳамда жўйбор ҳожаларини совға-салом билан Пешоварга — Нодиршоҳ ҳузурига жўнатиб, таслим бўлади.

Ушбу воқеалардан сўнг гарчи Абулфайзхон хонлик тахтида қолган бўлса-да, давлат бошқаруви мангитлардан бўлган Муҳаммад Ҳакимбий оталиққа топшириб қўйилган эди. 1747 йили хоннинг фожиаи ўлиmindан кейин ҳокимият Муҳаммад Раҳимбий қўлига ўтади. “Чингизийларга мансублик” аънаъасини сақлаш мақсадида муайян вақт аштархонийлар сулоласи вакиллари номига тахтга ўтказилса-да, амалда уларда сиёсий ҳокимият мавжуд эмас эди. Шу тариқа аштархонийлар сулоласи ҳукмронлиги узил-кесил барҳам топади.

Аштархонийлар даврида давлат аппарати тўғридан тўғри хонга бўйсунган ҳамда барча маъмурий ва сиёсий идоралар унинг олий ҳокимияти асосида фаолият юритган.

Ички зиддиятларга қарамай, аштархонийлар сулоласи даврида адабиёт, тарих, фикр йўналишларида қатор салмоқли асарлар битилган. Хусусан, адабиётта қизиқиши кучли бўлгани сабабли Субҳонқулихон даврида адабий муҳит анча жонланган. Манбаларда келтирилишича, хоннинг ўзи ҳам Нишоний тахаллуси билан шеърлар ёзган. Шу билан бирга, Субҳонқулихон тиббиёт соҳасига алоҳида эътибор қаратган. Унинг ташаббуси билан “Дори уш-шиф” номили махсус мажмуа барпо этилган. Мазкур мажмуа мадраса, кутубхона, шифохона ва дорихонадан иборат бўлиб, кутубхонасида тиббиётга оид таниқли ҳакимларнинг асарлари жамланган.

Ўрта асрларга хос анъанавий тарихнавислик ҳам ушбу даврда давом этиб, бу борада кўплаб асарлар битилди. Хусусан, Маҳмуд ибн Валийнинг “Баҳр ул-асрор”, Хожа Самандар Термизийнинг “Дастур ул-мулк”, Муҳаммад Юсуф Мушшайнинг “Тарихи Муқимхоний”, Мир Муҳаммад Амин Бухорийнинг “Убайдуллонома” ҳамда Абдурахмон Толенинг “Тарихи Абулфайзхон” каби асарлари шулар жумласидан.

Аштархонийлар даврида таълим муассасалари қурилишига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Ҳукмдорлар ва йирик амалдорлар мадраса барпо этиш ҳамда уларни вақф мулклари билан таъминлаш орқали таълим-тарбия тизимини қўллаб-қувватлаган. Жумладан, Бухородаги Абдулазизхон, Убайдуллахон, Нодир девонбеги, Балхдаги Надр Муҳаммадхон, Субҳонқулихон, Самарқанддаги Шердор, Тиллакор сингари мадрасалар мазкур сулола даврида бунёд этилган.

Ўзбек давлатчилиги тарихида аштархонийлар сулоласи даври мураккаб, бироқ аҳамиятли босқичдир. XVI аср охирида шайбонийлар сулоласининг заифлашуви оқибатида сиёсий бўшлиқни тўлдирган аштархонийлар Бухоро хонлигига қарийб бир арим аср давомида ҳукмронлик қилди. Сулола ҳукмронлигининг дастлабки босқичида давлат ҳокимиятининг нисбатан мустаҳкамланиши, сиёсий барқарорлик ва чегаралар хавфсизлигини таъминлашга қаратилган даврдаги амалга оширилди. Бироқ кейинги даврдаги ички курашлар, амирлар нуфузининг ортши, марказий ҳокимиятнинг заифлашуви ҳамда ташқи босқинлар хонлиқнинг сиёсий-иқтисодий инкирозига олиб келди. Бироқ ушбу мураккабликларга қарамай, маданий ва илмий ҳаёт узлуқсиз давом эти, илм-фанда муайян ютуқларга эришилди.

Наргиза ИСМАТОВА,
Абу Райҳон Беруний номидаги
Шарқшунослик институти
катта илмий ходими



6
2026 йил 31 январь, 21-сон

Яқинлари, дугоналари даврасида 15 ёшини нишонлаётган, совға-саломларни қабул қилиб олаётган Сожиданинг севинчи ичига сиғмайди. Кутилмаганда меҳмон бўлиб келган қариндошлари орасидан бир аёл келди-да, уни маҳкам бағрига босиб, бўйнига тилла занжир тақиб қўйди. Қимматбаҳо совгадан қиз беҳад қувонди, дугоналари унга ҳавас билан қаради.

Лекин Сожиданинг қувончи узоққа чўзилмади. Туғилган кунда “Узук тақди” маросими бўлиб ўтгани, у 10-синфда ўқийдиган мактабдоши — бадавлат хонадоннинг ёлғиз ўғлига унаштириб қўйилгани, мактабни тамомлаши биланоқ узатилиши ҳақида эшитганида бошига осмон қулаб тушгандек бўлди. Чунки дугоналари каби Сожиданинг ҳам бир олам орзуси бор эди. Мактабни тамомлагач, тиббиёт олийгоҳида ўқиш, келажакда болалар шифокори бўлиш, илмий даражаларга эришишни кўнглига тукканди...

Ҳаётимизда бундай ҳолатлар учраб турибди. Сабаби, юртимизнинг айрим ҳудудларига хос бу каби удулмар қизларни олий маълумот олиш ҳамда ўзи истаган иш билан шуғулланишдан маҳрум қилмоқда.

Оила кодексининг 15-моддасига кўра, никоҳ ёши эркаклар ва аёллар учун ўн саккиз ёш этиб белгиланган. Бироқ 16-17 ёшга тўлган йигит-қизларнинг ҳам никоҳдан ўтиш учун мурожаат қилиши, аксарият ҳолларда тўйи аллақачон ўтгани каби ҳолатлар амалиётда кузатишмоқда. Бундай оилалар юртимиздаги ажралиш, эрта туғуруқ, она ва бола ўлимига оид статистик кўрсаткичларни кўпайтиради.

Бу ҳолатнинг асосий омиллари, сабаб ва оқибатлари ҳусусида масъул ташкилотлар вакиллари фикри қандай?

Сурайё РАҲМОНОВА,
Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани):

— Эрта никоҳларни келтириб чиқараётган асосий омиллардан бири ҳудудларда ўсмир қизларнинг ижодий ва ижтимоий фаоллигини ривожлантириш, билими ҳамда қўлимакларини оширишга йўналтирилган ижтимоий маконлар (коворкинг марказлари, кутубхоналар, ёшлар клуби ва бошқалар)нинг етарли

эмаслигидир. Шунингдек, одамлар орасида “мактабни тугатгандан кейин ягона йўл — турмушга чиқиш” деган маънавий тафаккур шаклланиши ҳам сабаб бўлаёттир.

ЮНИСЕФ одамлар тафаккурига чуқур ўрнашган маҳаллий одатлар ҳамда маънавий эскирган ижтимоий қарашларни

Ўзбекистонда қизларнинг эрта турмушга узатилишига асосий сабаб сифатида кўрсатган. Шу боис, болаларга мактаб давридаёқ баркамол авлод бўлиб шаклланишига салбий таъсир кўрсатадиган ҳолатлар бўйича зарур тушунириш берилишини таъминлаш мақсадга мувофиқ.

Суяржон ҚУРБОНҚУЛОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюмчаси масъул ходими:

— Ҳаммамиз маҳаллада яшаймиз. Жамият ҳаётига дахлдор барча эзгу амаллар, шунингдек, кемтикликлар ҳам айнан маҳалла билан боғлиқ. Бугун юртимизда “маҳалла еттичилиги” тизими ишламоқда. Шунингдек, барча маҳаллада оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссиялари фаолият юритмоқда. Бу комиссия таркибига хотин-қизлар фаоллари, профилактика ноҳиялари ҳам киритилган. Айнан улар маҳалладаги ҳар бир хонадон муҳитини яхши билади.

Эрта никоҳ каби салбий ҳолатлар ҳисоби маҳаллаларда, қолаверса, бошқа идораларда ҳам юритилади. Лекин ҳар бир ташкилот бу масала билан ўз ҳолича алоҳида шуғуллангани боис, статистикада номуносноблиқлар юзага келмоқда. Бу долзарб ва ўта оғриқли масала. Нафақат айрим ташкилотлар, балки бутун жамиятга тааллуқли. Мазкур иллатга ечим топиш учун эса барчамиз бирлашишимиз зарур.

Дилбар АҲМЕДОВА,
Республика ихтисослашган Она ва бола саломатлигини сақлаш илмий-текшириш институти репродуктив шифокори:

— Юртимизда никоҳ ёши 18 ёш этиб белгиланган бўлса-да, шифокор сифатида бу ёшдаги қизлар жисмоний жиҳатдан ҳам, руҳий ва эмоционал жиҳатдан ҳам ҳали оила қуришга тайёр эмас деб биламан. Бугун ижтимоий тармоқлар туфайли ёшларда жинсий ҳаётга қизиқиш эрта уйғонмоқда. Шу боис, улар орасида эрта турмуш ортидаги ижтимоий, иқтисодий, таълимий ва саломатлик билан боғлиқ муаммоларга қаратилган тарғибот ишларини янада жонлантириш зарур. Жумладан, жинсий саломатлик, эрта ҳомиладорлик ҳамда жинсий йўл билан юқадиган касалликлардан сақланиш йўллари ҳақида ўсмирлар учун сифатли ва тўлиқ ўқув дастури ишлаб чиқирилиши керак. Бунга оид фанни биология ёки жисмоний тарбия фани ўқитувчилари эмас, айнан соҳа мутахассислари, тиббиёт ходимлари ўтиши лозим.

Мулоҳаза

ЭРТА ТУРМУШ ҚУРИШ

ҚАДРИЯТ ЭМАС

Гулмира ТЛЕЙОВА,
“Оила ва гендер” илмий-тадқиқот институти катта илмий ходими:

— Воёга етмаганларни мактаб давридаёқ унаштириб қўйиш, эрта оила қуришга мажбурлашни бола ҳуқуқларининг поймол этилиши деб баҳолаш мумкин. Бундай ҳолатлар кўпинча она ёки бола ўлимига, нимжон, ногирон болалар туғилишига сабаб бўладиган эрта туғуруқларнинг асосий омилдир.

Эрта никоҳларни ФХДЁ бўлимлари рўйхатдан ўтказилмаслиги оқибатида латенд (яширин) ҳолатда қолиб кетмоқда. Келинда ҳомиладорлик, саломатлиги ёки иқтисодий жиҳатдан муаммолар юзага чиқиб, тегишли муассасаларга мурожаат қилгандагина вазият ошқор бўлмоқда. Менимча, бундай ҳолатларга нисбатан қўлланадиган жазо чораларини кучайтириш лозим.

Лобар ҚОРАХОНОВА,
Қори Ниезий номидagi Тарбия педагогикаси миллий институти бўлим мудири:

— Халқаро тадқиқотларда оилавий зўравонликка дуч келган ўсмир қизлар орасида эрта никоҳга кириш эҳтимоли анча юқори экани қайд этилган. Мазкур ҳолат нафақат инсон ҳуқуқлари бузилиши, балки таълимдан узилиш, соғлиқ билан боғлиқ муаммолар, камбағаллик ва ижтимоий тенгсизлик авк олишига сабаб бўлмоқда.

Оилавий зўравонлик жисмоний, психологик, иқтисодий ва ижтимоий кўринишларда намоён бўлади. Бундай муҳитда ўсган қизларнинг таълимга қизиқиши пасаяди, ижтимоий фаоллиги чекланади. Эрта никоҳ улар учун оилавий зўравонликдан қутулиш воситаси сифатида қабул қилинади.

Ҳозир умумтаълим мактабларида репродуктив саломатлик саводхонлигини ошириш, жинсий тарбия масалалари умумтаълим фанлари таркибиде ўқи-тир келинмоқда. Тарбия фани

таркибиде “Ўсмир ёшдан балогаг етишга етишда ёшларнинг оилавий тарбияси”, “Жинсий тарбияда оиланинг ўрни” мавзуларида синф соатлари, тренинг машғулотлари ўтказилмоқда. Қизларни эрта турмушга бериш ҳолатларининг олдини олиш учун, энг аввало, ўйдаги муҳитни соғломлаштириш, оила, маҳалла ва мактаб ҳамкорлигини жонлантириш, мактаб психологари кўмагида профилактика ишларини тизимли йўлга қўйиш зарур деб ўйлайман. Ҳозир тажриба-синнов тарикасида ҳар бир мактабда “Саломатлик волонтерлари” фаолияти йўлга қўйилмоқда. Гурӯҳ раҳбарлигига айнан 9-синф ўқувчилари орасидан (юқори синф қизлари тез орада мактабни битириб кетиши нобатга олинган ҳолда) фаол, етакчилик қобилиятига эга қизлар тайинланапти. Уларга шифокорлар, психологлар, маҳалладаги хотин-қизлар фаоллари тарбиятирилмоқда.

Мутахассисларнинг эрта турмушнинг салбий оқибатларига доир барча фикри бир нуқтада бирлашади. Амалдаги қонунчилигимизга эрта никоҳнинг олдини олишда жамоатчилик назоратини кучайтириш, эрта никоҳ ҳолатларида ихтиёрийлик ва мажбурлаш хатти-ҳарака-катлари ўртасидаги фарқни асқ эттирувчи нормалар киритиш ҳамда мазкур ҳолатлар учун белгиланган жавобгарлик чораларини тубдан такомиллаштириш, умумтаълим муассасаларида оила психологиясига оид дарслар ёки факультатив машғулотлар ўтилишини таъминлаш,

Наргиза ДЕҲҚОНОВА,
Дин ишлари бўйича кўмита бўлим бошлиғи:

— Ислом таълимотида никоҳнинг асосий шартлари тарафлар розилиги ва етуқлиги экани таъкидланади. Қуръони каримда ҳам, ҳадисларда ҳам инсоннинг ҳуқуқлари, соғлиги ва бахти муҳим қадрият сифатида келтирилади. Эрта унаштириш ёки турмушга чиқишга мажбурлаш воёга етмаган қизларнинг табиий ривожланишига тўсқинлик қилади, саломатлигига зарар етказиши, руҳий изтиробига сабаб бўлади. Шунингдек, эрта никоҳ жамият ҳаётига ҳам салбий таъсир кўрсатади: ажралишлар кўпайиши, қуда-андалар ўртасидаги низо-лар, ёш келинларнинг руҳий изтироби, ҳатто ўз жонига қасд қилиш даражасига етгани каби

фожиалар бунга мисолдир. Бундай ҳолатлар нафақат диний, балки ахлоқий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳам қабул қилинмайди.

Кўмитамиз тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда бундай ҳолатларнинг олдини олиш борасида салмоқли ишларни бажармоқда. Жумладан, яқинда Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек туманида яшовчи, туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномасида 16 ёш деб ёзилган, лекин аслида 15 ёшли қизни 32 ёшли қариндошига узатишнинг олди олинди. Оиланинг ҳолати ўрганилиб, саломатлиги туфайли қизини эрта узатишга мажбур бўлган бетоб аёл шифохонага ёт-қизилди, қиз эса коллежга ўқишга қайтарилди...

Гулбаҳор ҚУЛМАТОВА,
халқ депутатлари Миробод тумани кенгаши депутати:

— Мен раҳбарлик қилаётган Шайхонтоҳур тумани ФХДЁ бўлимида бир кунда 2 никоҳ ҳамда ёш оилалар орасида 8 та ажралиш ҳолати қайд этилди. Ажралиш учун ариза берганлар орасида ўзим бир ярим ой аввал никоҳини қайд этиб, бахт тилаган келин-куёвлар ҳам бор. Ёш оилалардаги ажралиш ҳолатларига аксарият ҳолларда қайноналар, баъзан қайноталар ҳам сабаб бўлаёттир. Биз эса асосан ёшларни айблаймиз. Менимча, ажрашаётган ёшларни эмас, воёга етмаган, жисмоний, руҳий жиҳатдан етилмаган, оилавий турмуш ҳақида ҳали бирор тасаввурга эга бўлмаган фарзандларини турмуш қуришга мажбурлаётган айрим катталарни тарбиялаш керак.

Дилором АҲМЕДОВА,
Тошкент педнатрия тиббиёт институти кафедра мудири:

— Халқимизнинг “совчилик” деган гўзал қадрияти бор. Лекин ўзини ҳурмат қилган одам воёга етмаган қизнинг хонадонига совчи-ликка бормайди. Тўғри, амалдаги қонунчилигимизда никоҳ ёши ёки никоҳ тузиш тартибини бузганлик учун маъмурий ва жиний жавоб-гарлик белгиланган. Бироқ эрта

турмушнинг асосий омили бўлган воёга етмаганларни унаштириш, “оғиз солиш”, “рўмол ўраш”, “бе-шик кетди”, “қулоқ тишлаш”, “узук тақди” каби зарарли урф-одат ва маҳаллий анъаналарни ўтказиш, барвақт турмуш қуришни тарғиб қилганлик учун жавобгарлик маса-ласи эътибордан четда қолган.

қизларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларни қўлаб-қув-ватлашга қаратилган лойиҳаларни кенгайтириш зарур. Воёга етмаган фарзандларини унаштириш учун турли маросимларни ўтказиётган, қизларни мактабга юбормаётган ота-оналар учун жавобгарлик чора-ларини кучайтириш ҳамда эрта турмушнинг зарарли оқибатлари ҳақи-да тарғибот ишларини жадаллаштириш талаб этилади.

Феруза ЖАЛИЛОВА,
журналист

ЧАНГЛИСОЙ ДАРАСИ СИРЛАРИ

Мозийга назар

Юртимиздаги горлар, қоятошларга қадим одамлар ўйиб қолдирган манзаралар шунчаки тасвирлар тўплами эмас. Улар инсоният тарихи, турмуш тарзи, диний, маданий ва маънавий ҳаёти, дунёқарашидан сўзловчи тамаддун садоларидир. Шулардан бири Навоий вилоятининг Навбаҳор, Нурота ва Хатирчи туманлари туташган жойдаги Чанглисой дараси саналади.

Мутахассислар фикрича, Чанглисой “тўғиб оқадиган дарё” деган маънони анг-латлади. Дара унча баянд бўлмаган тепа-ликлар ва тик ёнбағирлар билан ўралган. Археологлар бу ердаги қоятош расмлари неолит, тик бронза даврларига тегишли деб тахмин қилади. Уларда кўпроқ тоғ эканиси, кийик, от ва буқа каби ҳайвонлар тасвирланган. Жамоавий ов қилиш эпизод-лари ҳам оз эмас. Қўллари юқорига кўта-рилган одамлар тасвирини эса тадқиқот-чилар турли маросимлар билан боғлиқ деб изоҳлайди.

Петроглифлар — горлар, қоялар ва тош-ларга ишқалаш, ўйиш ёки чизиш йўли билан яратилган қадимги тасвирлар. Улар учли тош ёки металл ёрдамида тирнаб муҳрланган. Чанглисойдаги қоятошларда саноксиз майда нуқталар билан қолдирилган тасвирларни ҳам учратиш мумкин.

Албатта, ҳозир археологларга замона-вий технологиялар — лазер сканери, фото-грамметрия, дронлар катта ёрдам берапти. Бутун дара ва алоҳида плиталарнинг рақамли моделлари яратилмоқда.

Сармишсой каби машҳур бўлмаса-да, Чанг-лисойнинг бир неча тасвирлари ҳудуднинг ўзига хос “таширф қорғози”га айланди. Унда-ги петроглифнинг мавзулари кенг қамровли. Афсуски, бу археологик ёдгорликлар қатор муаммоларга дуч келмоқда. Жумладан, қимдир бўёқда қадимий расм устига ўз исмини ёзади, яна қимдир тасвир тушинрилган тошларни син-дириб ташлашга уринган ҳолатлар учрайди.

Яна бир хавф — табиий жараёнлар. Ша-мол, сув ва ҳарорат ўзгариши аста-секин то-шни ва ундаги тасвирларни емиради. Албатта, олимлар, маҳаллий ҳокимият ва кўнгилчилар уларни асраб-авайлашга ҳаракат қилаёттир. Улар қўриқланадиган ҳудудларни белгилаб



олиш, керакли жойларга маълумот ёзилган тахталар ўрнатиш, экологик хавфсиз йўна-лишларни қилиб чиқиш масалаларини кўпроқ муҳофиза ишлаб боради. Мактаб ўқувчилари ва талабалар кўнгилли дастурларда иштирок этадиган лойиҳалар мавжуд: улар ҳудудни тозалашга ёрдам беради, расмларнинг сақла-нишини назорат қилади ва ижтимоий тармоқ-ларда тарғибот ишларини олиб боради. Асли-да, бундай ёндашув шу ерга келган ҳар бир кишининг тафаккуридан жой олмоғи керак.

Қоятош расмларининг бир қисми рақамли шаклда ҳужжатлаштирилган. Маҳаллий аҳо-ли учун маърифий экскурсиялар ўтказилмоқ-да. Зеро, Чанглисой ҳақида қанча кўп одам билса, ўзи келгуси авлодлар учун сақлаб қо-лиш эҳтимоли шунчалик юқори бўлади.

Нурота тоғ тизмаси табиатини кузатар эканмиз, ундаги тоғу тошлар геологик ҳу-сусиятларига кўра нияоятда хилма-хил эканига гувоҳ бўламиз. Хусусан, Лангар чўққиси ва унинг атрофидаги тоғлар жуда мустаҳкам гранит тошлардан иборат. Гран-ит тошли айрим тоғларда гиёҳ ҳам ўсмай-ди. Шундан бўлса керак, қадимдан аждод-ларимиз уларнинг номларини ҳам шунга мос атаган: Бахилтов, Битов ёки Жуннати тоғ каби.

Тоғ тизмасининг қуйроғидаги қир-адир-ларни эса турли тошлар қоплаган. Сармиш-сой, Бийронсой кабилар шулар жумласидан. Янаям пастроқдаги Жизмонсой, Қораунгир-сой каби даралар атрофидаги қоялар эса кум-тошлардан иборат.

Буларни айтишимиз сабаби шундаки, ҳам-ма турдаги тошларга ҳам сурат чизиш осон ва қулай бўлмаган. Масалан, Сармишсой ва Бийронсойдаги сланецдан иборат қоялар сир-тига ёрқин тасвир чизиш осон ва қулай. Чанг-лисой дарасидаги гранитдан иборат қоялар жуда мустаҳкам, қаттиқ ва сирти текис эмас. Шунга қарамай, ушбу дара атрофида яшаган аждодларимиз уларга ҳам бетакор тасви-рлар тушира олган.

Чанглисой қоятош суратлари орасида энг кўп учрайдигани жониворлар тасвирлари. Улар орасида бухоро хонгулиси тасвири ҳам учрайди. Қадимда улар бутун Зарафшон во-ҳаси кенгликларда тўда-тўда бўлиб яшаган. Ҳозир эса Амурдарё соҳилидаги Бадайтўқай, Бухородаги Жайронхона, Жиззахдаги Нуро-та давлат табиат қўриқхоналарида сақланиб қолган.


Сойдаги қоятош суратлари орасида хона-килаштирилган уй ҳайвонлари, от ва буқалар тасвирлари ҳам кўп учрайди.

Ана шундай қоятош суратлари орасида кўпчиликнинг эътиборини ўзига жалб қил-ган, бошқа жойда учрамайдиган намуналар-дан бири ўрқачли буқа тасвири. Бу турдаги бўқларни одатда Ҳиндистонда учратиш мумкин. Қадимда ўрқачли буқалар юртимиз-да ҳам маҳаллий чорва ҳисобланган. Уларга омон қўшиб ерга ишлов беришган, от ўрнига араваларга қўшиб юк ташишган.

Чанглисой петроглифлари “тош йилнома-си” бўлиб, бизни узоқ ўтмишга, минг йиллар аввал яшаган одамларнинг ҳис-туйғулари, урф-одатлари ва эътиқодлари дунёсига назар солишга имкон беради. Зеро, табиатнинг бир бўлғи бўлган бундай ёдгорликларни музей-ларда экспонат сифатида жойлаб бўлмайди. Уларни антропоген ва ташқи табиий таъ-сирлардан сақлаш жуда мураккаб. Ҳали ёзув кашф этилмаган бир даврда яратилган бундай

қадим ёдгорликлар эса юртимиз, халқимиз тарихининг зарваракларидан бири. Шундай экан, уларни асраб-авайлаш, келгуси авлод-ларга етказиш бугунги кунимиз, келажги-мизга бўлган муносабатимизни ифодалайди.

Рамазон ЭГАМОВ,
Сармишсой давлат музей-қўриқхонаси илмий ходими



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлғезмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобдор.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbотот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-146.
32015 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Одсет уссулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашириёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Ирода Тошматова
Мусахҳис: Насиб Абдуллаева
Дизайнер: Хуриш Абдуллаев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

Ўза яқуни — 22:50 Тошпирилди — 23:15

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05